


ҲАЖГА ОИД САҲИҲ ҲАДИСЛАР



Доктор Абдулмуҳсин ибн Муҳаммад ал-Қосим,
Масжида Набавий имом-хатиби

БУХОРИЙ ВА МУСЛИМ «САҲИҲ»ЛАРИДАГИ ҲАЖГА ОИД ҲАДИСЛАР

Доктор Абдулмуҳсин ибн Муҳаммад ал-Қосим

Ҳадисни ўз тилингизда тинглашни истасангиз, қуйидаги
QR-кодни сканерланг!



ҲАЖНИНГ ФАРЗЛИГИ ВА УНИНГ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА

1. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ислом беш нарсага бино қилинган: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир», деб гувоҳлик бериш, — Муслимнинг ривоятида «Аллоҳни яқкалаш», дейилган — намозни барпо қилиш, закот бериш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш», дедилар.**» (Бухорий ва Муслим ривояти)

2. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Қайси амал афзал?» деб сўрашди. Шунда у зот: «**Аллоҳ ва Унинг Расулига иймон**», дедилар. «Сўнг нима?» дейишди. У зот: «**Аллоҳ йўлидаги жиҳод**», дедилар. «Ундан сўнг нима?» дейишди. «**Мабрур* ҳаж**», дедилар. (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Мабрур ҳаж** — барча арконларига риоя этиб адо қилинган мақбул ҳаж.

3. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга хутба қилиб, «**Эй одамлар! Аллоҳ сизларга ҳажни фарз қилди, ҳаж қилинглари!**» дедилар. Бир киши: «Ҳар йилими, эй Аллоҳнинг Расули?» деди. У зот жим қолдилар. У бунини уч марта айтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ҳа десам, вожиб бўлиб қолар эди, сизлар эса бунини қила олмасдингиз**», дедилар. (Муслим ривояти)

4. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. Бирдан олдимизга оппоқ кийимли, сочлари қоп-қора бир киши кириб келди. Унда сафар аломати ҳам кўринмас, орамизда ҳеч ким уни танимас ҳам эди. У келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рўпараларига ўтирди. Икки тиззасини у зотнинг икки тиззаларига тиради. Кафтларини сонларининг устига қўйди ва: «Эй Муҳаммад, менга Ислом ҳақида хабар бер», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ислом — «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир»,**

деб гувоҳлик беришинг, намозни тўқис адо этишинг, закот беришинг, Рамазон рўзасини тутишинг ва агар йўлга қодир бўлсанг, Байтни ҳаж қилишингдир», дедилар. «Тўғри айтдинг», деди...». (Муслим ривояти)

5. Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу шундай дейди: «Аллоҳ қалбимга Исломни солгач, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордим. «Қўлингизни узатинг, сизга байъат берай», дедим. У зот қўлларини узатган эдилар, мен қўлимни тортиб олдим. «Сенга нима бўлди, эй Амр?» дедилар. «Шарт қўймоқчиман», дедим. «Нимани шарт қўясан?» дедилар. «Мағфират қилинишимни», дедим. У зот: «Билмасмидинг, Ислом ўзидан олдин бўлиб ўтган ишларни йўқ қилиб юборади, ҳижрат ҳам ўзидан олдин бўлиб ўтган ишларни йўқ қилиб юборади, ҳаж ҳам ўзидан олдин бўлиб ўтган ишларни йўқ қилиб юборади», дедилар...». (Муслим ривояти)

АЁЛЛАРНИНГ ҲАЖИ ҲАҚИДА

6. Мўминларнинг онаси Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули! Биз ҳам ғазотга чиқиб, сизлар билан бирга жиҳод қилмаймизми?» дедим. Шунда у зот: «Сизлар учун жиҳоднинг энг чиройлиси ва гўзали ҳаждир, мабрур ҳаждир» дедилар... — Бошқа ривоятда: «Жиҳодингиз ҳаждир» дейилган — ». (Бухорий ривояти)

ГЎДАКНИНГ ҲАЖИ ДУРУСТ ЭКАНИ ҲАҚИДА

7. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Равҳода* карвонга дуч келдилар. «Бу одамлар ким экан?» дедилар. «Мусулмонлар», дейишди. «Сиз кимсиз?» дейишди. «Аллоҳнинг Расули», дедилар. Шунда бир аёл гўдакни кўтариб, у зотга: «Бунга ҳам ҳаж дурустми?» деди. «Ҳа. Сенга эса ажр бўлади», дедилар. (Муслим ривояти)

* Равҳо — Макка тарафда, Мадинадан 73 км. узоқликда жойлашган жой номи.

АЁЛ КИШИ ЭРКАК НОМИДАН ҚИЛГАН ҲАЖИ ҲАҚИДА

8. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Фазл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларига мингашиб олган эди. Хасъамдан бир аёл фатво сўраш учун келиб қолди. Фазл унга қарай бошлади. У ҳам бунга қарарди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Фазлнинг юзини (аста) бошқа тарафга буриб қўйдилар. У (аёл): «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳнинг ҳаж борасида бандалари зиммасидаги фарзи отамга у қартайиб, туяда ўтира олмайдиган бўлганида етди. Унинг номидан ҳаж қилсам бўладими?» деди. У зот: «Ҳа», дедилар. Бу видолашув ҳажида бўлган эди». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

МАЙИТ НОМИДАН ҚИЛИНГАН ҲАЖ ВА НАЗР

9. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Бир аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, «Онам ҳаж қилишни назр қилган эди. Ҳаж қила олмай вафот этди. Унинг номидан ҳаж қилсам бўладими?» деди. **«Ҳа, унинг номидан ҳаж қил. Айт-чи, онангнинг зиммасида қарз бўлса, уни ўтаган бўлармидинг?»** дедилар. «Ҳа», деди. **«У Зотнинг ҳаққини ҳам ўтанглар, чунки Аллоҳ вафога энг ҳақлидир»**, дедилар». *(Бухорий ривояти)*

ҲАЖ ВА УМРАНИНГ ФАЗЛИ

10. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Ким Аллоҳ учун ҳаж қилсаю, — Муслимнинг ривоятида «Ким бу Байтга келса» дейилган — шаҳвоний нарсалар ҳамда фосиқлик қилмаса, онасидан туғилган кундагидек бўлиб қайтади»**, деяётганларини эшитдим». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

11 Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Умра (кейинги) умрагача иккаласи орасидагиларга кафоратдир. Мабрур ҳажнинг мукофоти эса фақат жаннатдир»**, дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

12. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳажларидан қайтиб келганларида Умму Синон Ансорияга: **«Ҳаждан сени нима тўсди?»** дедилар. У: «Абу Фалоннинг — эрини назарда тутмоқда иккита сув ташийдиган туяси бор эди. Бирида ҳажга кетди, бошқаси эса еримизни суғоради», деди. У зот: **«Рамазондаги умра мен билан бирга қилинган ҳажнинг ўрнига ўтади»**, дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

ҲАЖГА ОЗУҚА ҒАМЛАБ ОЛИШ ҲАҚИДА

13. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Яман аҳли озуқа ғамлаб олмай ҳаж қилишар ва: «Биз таваккал қилувчилармиз», дейишарди. Маккага келишганида эса одамлардан тиланишар эди. Шунда Аллоҳ таоло **«Озуқа ғамлаб олинг. Албатта, энг яхши озуқа тақводир...»** (Бақара сураси, 197-оят)ни нозил қилди». (Бухорий ривояти)

ҲАЖ ОЙИДА УМРА ҚИЛИШ ЖОИЗЛИГИ

14. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «(Жоҳилиятда) ҳаж ойларида умра қилишни ер юзидаги энг ёмон фожирлик деб билишар эди. Улар Муҳаррамни Сафар қилишар ва: «Тузалса дабар*, кетса асар, чиқса Сафар, умра қилмоқчи бўлганга умра ҳалол бўлар», дейишар эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобалари ҳаж учун эҳром боғлаб, (зулҳижжанинг) тўртинчи куни тонгда (Маккага) келишди. Уларга уни (ҳажни) умра қилишни буюрдилар. Уларга бу оғир туюлиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, қайси (ишлар) ҳалол?» дейишди. У зот: **«Ҳаммаси ҳалол»**, дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Дабар** — туянинг юк кўтарувчи устки қисми. Ҳаж сафарида юкларни ташигани сабабли туянинг усти шилиниб, қашқа

бўлади. Бу ерда ҳаж ойларидан кейин ўша жароҳат тузалиб, орадан бир муддат ўтиши назарда тутилган.

НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ НЕЧА МАРТА ҲАЖ ВА УМРА ҚИЛГАНЛАР?

15. Зайд ибн Арқам шундай сўзлаб беради: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн тўққизта ғазот қилдилар ва ҳижрат қилганларидан кейин бир марта ҳаж қилдилар, яъни видолашув ҳажини. Ундан кейин ҳаж қилмадилар». Абу Исҳоқ айтади: «Маккада ҳам бошқа бир (ҳаж қилгандилар)». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

16. Анас розияллоҳу анҳу шундай хабар қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўрт марта умра қилганлар. Ҳажлари билан бирга бўлганидан бошқа ҳаммаси зулқаъдада бўлган: Зулқаъдада Ҳудайбиядан* қилинган бир умра; келаси йили зулқаъдадаги бир умра; зулқаъдада Ҳунайн ўлжаларини тақсим қилган жойларидан — Жиъронадан* қилинган бир умра ҳамда ҳажлари билан бирга бир умра». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

* **Ҳудайбия** — Макка шимоли-шарқида, Макка ва Жидда орасида, Маккадан 20 км. узоқликда жойлашган.

* **Жиърона** — Тоифдан Маккага киришда жойлашган шаҳар бўлиб, у билан Макка оралиғи 20 км. келади. У умра учун мийқот ҳисобланган.

ЗУЛҲИЖЖАНИНГ ЎН КУНИДА ҚИЛИНГАН АМАЛНИНГ ФАЗЛИ

17. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «(Зулҳижжанинг аввалидаги) **ўн кундаги амал мана бу кунлардаги* амалдан афзал эмас**», дедилар. «Жиҳод ҳамми?» дейишди. У зот: «**Жиҳод ҳам. Фақат жонию молини хатарга қўйиб чиқиб, бирор нарса ила қайтмаган киши мустасно**», дедилар». *(Бухорий ривояти)*

* Бу ерда ташриқ кунлари назарда тутилмоқда.

АЁЛ КИШИ МАҲРАМИ БИЛАН БИРГА ҲАЖГА ВА БОШҚА ЕРГА САФАР ҚИЛИШИ ҲАҚИДА

18. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган аёлга бир кеча-кундузлик масофага маҳрамсиз сафар қилиши ҳалол бўлмайди»**, дедилар». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

Имом Муслимнинг бошқа ривоятида **«бир кунчалик»**, бошқа бир ривоятида **«бир кунлик»**, дейилган.

19. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Эр киши аёл киши билан зинҳор холи қолмасин! Маҳрами бирга бўлмаса, аёл киши зинҳор сафар қилмасин!»** деяётганларини эшитибди. Шунда бир киши туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен фалон-фалон ғазотга ёзилган эдим, аёлим эса ҳаж қилиб йўлга чиққан», дебди. У зот: **«Бор, аёлинг билан ҳаж қил»**, дедилар». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

ҲАЖ ВА УНДАН БОШҚА ЕРЛАРГА САФАР ҚИЛИШ УЧУН УЛОВ МИНГАНДА НИМА ДЕЙИЛАДИ?

20. Али Аздий айтади: «Ибн Умар бизга шундай деб ўргатган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарга чиқишда туяларига ўрнашиб олгач, уч марта такбир айтардилар. Кейин: **«Субҳааналлазии саххоро ланаа ҳаазаа ва маа куннаа лаҳуу муқриниин ва иннаа илаа Роббинаа ламунқолибуун. Аллоҳумма, иннаа насъалука фии сафаринаа ҳааза ал-бирро ват- тақваа, ва минал ʼамали маа тардоо. Аллоҳумма, ҳаввин ʼалайнаа сафаронаа ҳаазаа ватви ʼаннаа буъдах. Аллоҳумма, антас сооҳибу фис сафар, вал холийфату фил аҳл. Аллоҳумма, иннии аъузузу бика мин ваъсааис сафар, ва каъабатил манзор, ва сууъил мунқолаби фил маали вал аҳл»***, дер эдилар. Қайтганларида ҳам шуларни айтардилар ва буларга **«Аайибууна, таайибууна, ʼаабидууна, ли Роббинаа ҳаамидуун»**ни* қўшиб қўярдилар».* *(Муслим ривояти)*

* **Маъноси:** «Буни бизга бўйсундириб қўйган Аллоҳни поклаб ёд этаман! Биз бунга қодир эмас эдик. Албатта, биз Раббимизга қайтиб боргувчимиз. Аллоҳим! Бу сафаримизда Сендан яхшилик, тақво ва Сен рози бўладиган амални сўраймиз. Аллоҳим, бу сафаримизни бизга енгил қил, узоғини яқин айла! Сафарда йўлдош ҳам, аҳли аёлда ўринбосар ҳам Ўзингсан. Аллоҳим, мен Сендан сафар машаққатидан, маҳзун аҳволдан ҳамда қайтганда молу мулк ва аҳли аёлда ёмонлик бўлишидан паноҳ сўрайман».

* **Маъноси:** «Қайтгувчилармиз, тавбакорлармиз, ибодатгўйлармиз ва Раббимизга ҳамд айтгувчилармиз».

21. Абдуллоҳ ибн Саржис розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарга чиқсалар, сафар машаққатидан, хомуш қайтишдан, кенгликдан кейинги тангликдан, мазлумнинг дуосидан ҳамда мол-мулк ва аҳлу оиладаги ёмон кўринишдан паноҳ тилардилар». *(Муслим ривояти)*

ҲАЖ ВА УМРА МИЙҚОТЛАРИ

22. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадина аҳли учун Зулхулайфани*, Шом аҳли учун Жухфани*, Нажд аҳли учун Қарнулманозилни* ва Яман аҳли учун Яламламни* мийқот қилиб белгиладилар. Сўнг: **«Булар ўша ерликлар учун ҳамда бошқа ерлардан бу ерларга ҳаж ва умра қилмоқчи бўлиб келганлар учундир. Ким бунинг ичида бўлса, (унинг мийқоти) қасд қилган жойидандир, ҳатто Макка аҳлиники Маккадандир»**, дедилар». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

* **Зулхулайфа** — Масжиди Набавий жануб-ғарбида, ундан 14 км. узоқликда жойлашган. Ҳозирги кунда «Али қудуғи» номи билан танилган.

* **Жухфа** — «Робиғ» шахрининг жануб-шарқида, ундан 22 км. узоқликда жойлашган.

* **Қарнул-манозил** — «Тоиф» шимолида, ундан 45 км. узоқликда жойлашган. Ҳозирги кунда у «Сайлул Кабир» (Катта водий), деб ҳам аталади.

* **Яламлам** — Макка жануб-ғарбида, ундан 90 км. узоқликда жойлашган.

23. Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: «Мана бу икки шаҳар* фатҳ қилинганда Умарга келиб: «Эй мўминлар амири, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Нажд аҳлига Қарнни* белгилаб берганлар. Бироқ у бизнинг йўлимизга тесқари. Агар Қарнга юрсак, бизга машаққат бўлади», дейишди. У: «Йўлингизга тўғриси янги кўринглар-чи», деди ва уларга Зотуирқни* белгилаб берди». *(Бухорий ривояти)*

* **Икки шаҳар** — Ироқдаги Куфа ва Басра. Иккаласига ҳам халифа Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳунинг даврида асос солинган.

* **Қарн** — «Тоиф» шимолидаги, ундан 45 км. узоқликда жойлашган ва бугунги кунда «Сайлул Кабир» (Катта водий), деб аталган Қарнул-манозилдир.

* **Зоту-ирқ** — «Тоиф» шимолида, ундан 100 км. узоқликда жойлашган жой.

24. Ибн Журайж айтади: «Абу Зубайр менга айтдики, у Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анҳумодан эҳром боғлаш жойи ҳақида сўрашганида унинг шундай деганини эшитган экан: «Мен эшитганман — менимча, бунинг Набий соллаллоху алайҳи васалламга марфуъ қилган — у зот: «**Ироқ аҳлининг эҳром боғлаш жойи Зоту-ирқдан***...», деганлар». *(Муслим ривояти)*

* **Зоту-ирқ** — «Тоиф» шимолида жойлашган, у ердан 100 км. узоқликдаги жой.

НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ НАМОЗ ЎҚИГАН ЖОЙЛАР

25. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳумо: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Зулхулайфадаги Батҳода* туяларини чўктириб, ўша ерда намоз ўқидилар», деди. *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

* **Батҳо** — майда шағаллар бўлган сув.

26. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳума айтади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам ўзлари билан Каъба томондаги узун тоғ ўртасидаги икки тоғ дарасига юзландилар ва ўша жойда қурилган масжидни дўнглик томондаги масжиднинг сўл томонида қолдирдилар. Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг намоз ўқиган жойлари эса ундан пастроқда, қора дўнглик устидадир. Дўнггача ўн газ* ёки шунга яқин қолдирдилар. Сўнг Каъ-

ба билан у зотнинг ўртасидаги тоғнинг икки дарасига юзланиб намоз ўқидилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Ўн газ** — 4,6 метрга тенг.

27. Нофеъдан ривоят қилинади: «Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу унга шундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умра ва ҳаж қилганларида Зулҳулайфага — Зулҳулайфадаги масжид ўрнидаги самура* тагига тушар эдилар. Шу йўлдан бирор ғазот, ҳаж ёки умрадан қайтсалар, водийнинг ўртасида тушардилар. Водийнинг ўртасидан кўтарилганларида шарқий водийнинг чеккасидаги ўзанда туяларини чўктирар эдилар. Тошлоқдаги масжидда ҳам, масжид турган дўнглик устида ҳам эмас, (мана шу ерда) тонггача қўноқлардилар. У ерда бир пастлик бўлиб, унинг олдида Абдуллоҳ намоз ўқир эди. Унинг ўртасида қумтепалар бўлиб, у ерда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқир эдилар. Кейинроқ сел у ерга оқизик* олиб келиб, Абдуллоҳ намоз ўқийдиган ҳалиги жойни кўмиб ташлади». (Бухорий ривояти)

* **Самура** — тиканли дарахтлар оиласига мансуб бўлиб, уларнинг ичида энг сифатли ёғоч берадиган дарахт.

* **Оқизик** — сув билан оқиб келган минерал ва органик жинслар.

28. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага йўлга чиқсалар, «Шажара»* масжидида намоз ўқир, қайтганларида эса Зулҳулайфадаги водий ичида намоз ўқир эдилар ва то тонг отгунча (шу ерда) тунаб қолар эдилар». (Бухорий ривояти)

* **Шажара масжиди** — Зулҳулайфа масжиди.

* **Зулҳулайфа** — Масжиди Набавий жануб-ғарбида, у ердан 14 км. узоқликда жойлашган жой. Ҳозирда «Абару Али» (Алининг қудуқлари) номи билан танилган.

ЗУЛҲУЛАЙФАДАГИ ТЎХТАШ ЖОЙИ

29. Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Зулҳулайфадаги Муъаррасда*, водийнинг ичида эканларида у зотга туш кўрсатилиб: «Албатта, сен муборак Батҳодасан», дейилди». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Муъаррас** — сафар асносида тунаб, дам олиш учун тушила-
диган жойдир.

30. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қили-
нади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (ҳаж сафарида)
дастлаб Зулҳулайфада тунадилар ва у ердаги масжидда намоз
ўқиб олдилар». (*Муслим ривояти*)

* **Зулҳулайфа** — Масжиди Набавий жануб-ғарбида, у ердан 14
км. узоқликда жойлашган. Ҳозирги кунда «Абар Али» (Али-
нинг қудуқлари) номи билан машҳур.

ЭҲРОМДАГИ ИНСОНГА КИЙИШ ТАҚИҚЛАНГАН КИЙИМЛАР

31. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қили-
нади: «Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, эҳромли киши қандай
кийимларни кияди?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва-
саллам: «**Кўйлақлар, саллалар, шалварлар, бурнус ва маҳсилар
кийманглар. Бироқ шиппак топа олмаган киши маҳси кийиб,
тўпиғининг пастидан кесиб олсин. Кийимлардан заъфарон* ва
варс* теккан бирорта нарсани кийманглар**», дедилар». (*Бухорий
ва Муслим ривояти*)

Бухорий раҳимаҳуллоҳ у зотнинг: «**Эҳромдаги аёл ниқоб тут-
масин, қўлқоп киймасин**», деган сўзларини қўшимча қилди.

* **Заъфарон** — сариқ рангли зиравор ўсимлик.

* **Варс** — Яманда ўсадиган сариқ ўсимлик, ундан кийим бўёғи,
юз бўёғи тайёрланади.

32. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтади: «Набий соллаллоҳу
алайҳи васалламнинг Арафотда: «**Ким шиппак топа олмаса, маҳ-
си кийсин. Ким изор топа олмаса, шалвар кийсин!**» деб хутба қи-
лаётганларини эшитдим». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

33. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қи-
линади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сочларини тараб,
мойлаб, изор ва ридоларини* кийганларидан кейин асҳоблари
билан бирга Мадинадан йўлга чиқдилар. Баданга ранги чиқади-
ган, заъфарон билан бўялган кийимлардан бошқа ридо ва изор

қилиб кийиладиган бирон нарсадан қайтармадилар. Зулхулайфада тонг оттириб, уловларига миндилар. Байдога* чиққанларида у зот асҳоблари билан бирга талбия айтдилар ва баданаларига* илги осдилар. Ўшанда зулқаъданинг беш куни қолган эди. У зот Маккага зулҳижжадан тўрт кун ўтганда кириб бордилар. Кейин Байтни тавоф қилдилар, Сафо ва Марва орасида саъй қилдилар. Баданалари борлиги учун эҳромдан чиқмадилар, чунки уларга илги осган эдилар. Кейин Макканинг энг тепа жойига, Ҳажун* ёнига тушдилар. У зот ҳажга эҳром боғлаган эдилар. Каъбани тавоф қилганларидан кейин Арафотдан қайтгунларича унга яқин келмадилар. Асҳобларини Байтни ҳамда Сафо ва Марвани тавоф қилишга, сўнг сочларни қисқартириб, кейин эҳромдан чиқишга буюрдилар. Бу илги осилган баданаси бўлмаганлар учун бўлиб, улардан кимнинг ёнида аёли бўлса, унинг учун ҳалол бўлди. Шунингдек, хушбўйлик ва кийимлар ҳам». (*Бухорий ривояти*)

* **Ридо** — тананинг тепа қисмига кийиладиган кийим. У яхлит бўлиши ҳам, тикилган бўлиши ҳам мумкин. У изорнинг муқобилидир. Ридо юпқа, бир қаватли чойшабсимон устки кийим бўлиши, енгли ҳам, енгсиз ҳам, калта енгли ҳам бўлиши мумкин.

* **Байдо** — Зулхулайфа ғарбида, Мадинадан тахминан 15 км. узоқликда жойлашган жой.

* **Бадана** — қурбонликка аталган туя (ҳанафий мазҳабида бадана деганда қурбонликка аталган қорамол ҳам тушунилади). Бу сўзнинг луғавий маъноси «семиз», «жуссадор»дир. Араблар семирган, етилган туя ва молларни сўйиб ҳадий қилганлари учун бу қурбонликларини «бадана» деб номлашган. Аммо қурбонликка аталган қўй-эчкилар бадана дейилмайди.

* **Ҳажун** — Байтуллоҳ шимоли-шарқида, тахминан 2 км. узоқликдаги тепалик. Бугунги кунда «Риъ ал-Ҳажжун» (Ҳожилар тепалиги) ном билан аталади.

ЭҲРОМДАГИ ИНСОН ХУШБЎЙЛАНИШИ ҲАҚИДА

34. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эҳром боғлаётганларида эҳромга кираётганлари учун, (ифоза учун) Байтни тавоф қилишларидан

олдин эса эҳромдан чиқаётганлари учун хушбўйлик суриб қўяр эдим». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

Муслим раҳимаҳуллоҳ «Мушкли хушбўй билан хушбўйлаб қўярдим», деганини зиёда қилди.

35. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Видолашув ҳажида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эҳромдан чиқаётганлари учун ҳам, эҳромга кираётганлари учун ҳам у зотни ўз қўлларим билан зарира* билан хушбўйлаб қўйдим». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

* **Зарира** — хушбўйликнинг бир тури. У шу номли ўсимликдан олинган. Зарира қамиши (*calamus*) Ҳиндистонда етиштириладиган бошоқдошларга мансуб, қамишсифат доривор ўсимлик ва унинг ҳосили бўлиб, ўзидан хушбўй ҳид таратади ва хушбўйлик сифатида ишлатилади, совун, атирларга қўшилади. Кукуни ҳам хушбўйлик сифатида ишлатилган.

36. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларида бор энг яхши хушбўйни сурардилар, соч-соқолларидаги хушбўй ялтираб турар эди». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

37. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хушбўйлик суртиб қўяр эдим, кейин у зот аёлларини айланар, сўнг хушбўй уфуриб турган, эҳромга кирган ҳолда тонг оттирар эдилар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

БАДАНАГА БЕЛГИ ҚЎЙИШ ВА ИЛГАК ОСИШ

38. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баданалари учун илгиларни ўз қўлларим билан эшдим. Сўнг у зот уларга илги осиб қўйдилар, уларни ишъор* қилдилар, кейин уларни Байтуллоҳга юбордилар ва Мадинада қолдилар. У зотга ҳалол қилинган бирор нарса ҳаром бўлиб қолмади». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

* **Ишъор** — жонлиқнинг бир тарафини белги учун тилиб, қон чиқариб қўйиш.

39 Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Бир сафар

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қўй-эчкиларни ҳадий атадилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

40 Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пешинни Зулҳулайфада ўқидилар. Сўнгра туяларини опкелтириб, ўркачининг ўнг томонидан ишъор қилиб, қон суртдилар ва унга бир жуфт шиппак илиб қўйдилар. Сўнгра уловларига миндилар. У зот уни миниб, Байдода* тўхтаб, ҳажга талбия айтдилар». (Муслим ривояти)

* **Байдо** — Зулҳулайфа ғарбида, Масжиди Набавийдан тахминан 15 км. узоқликдаги тепалик.

БАДАННИ МИНИШ

41. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир бадана* ҳайдаб кетаётган кишини кўриб, «**Уни миниб ол**», дедилар. У: «Бу бадана-ку?!»* деди. У зот яна: «**Уни миниб ол**», дедилар. У яна: «Бу бадана-ку?!» деди. У зот учинчиси [ёки иккинчисида]: «**Уни миниб ол, шўринг кургур!**» дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Бадана** — қурбонликка аталган туя (ҳанафий мазҳабида бадана деганда қурбонликка аталган қорамол ҳам тушунилади). Бу сўзнинг луғавий маъноси «семиз», «жуссадор»дир. Араблар семирган, етилган туя ва молларни сўйиб ҳадий қилганлари учун бу қурбонликларини «бадана» деб номлашган. Аммо қурбонликка аталган қўй-эчкилар бадана дейилмайди.

42 Абу Зубайр айтади: «Жобир ибн Абдуллоҳдан ҳадийни миниб ҳақида сўрашганда шундай деганини эшитдим: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «**Шунга мажбур бўлиб қолсанг, бошқа улов топгунингча уни маъруф ила*** минавер», деганларини эшитганман». (Муслим ривояти)

Бу ерда «**маъруф**» сўзи «унга зарар етказмайдиган қилиб» деган маънода айтилган.

ҲАДИЙ ЙЎЛДА ЧЎЛОҚЛАНИБ ЮРСА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК

43 Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Зуъайб Абу Қабиса менга шундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мен билан туяларни жўнатиб, **«Улардан бирортаси майиб бўлиб, ўлиб қолишидан қўрқсанг, дарҳол уни бўғизлагин-да, кейин шиппагини қонига ботириб, у билан ўркачининг устига ургин,* лекин ундан ўзинг ҳам емагин, ҳамроҳларингдан ҳам бирортаси емасин»**, дер эдилар». (Муслим ривояти)

Бу ерда **«ур»** дейишдан мақсад ҳам, юқорида айтилганидек, ушбу туянинг ҳадий эканини, йўловчиларга садақа сифатида қолдирилганини билдиришдир.

МУШРИКЛАР АЙТАДИГАН ТАЛБИЯ

44. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Мушриклар «Лаббайка, лаа шариика лак», дейишганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Шўрларинг курсин, бўлди, бўлди!»** дердилар. Улар эса: «Иллаа шарикан ҳува лак, тамликуҳу ва маа малак», дейишарди. Буни улар Байтни тавоф қилаётганда айтишарди». (Муслим ривояти)

Изоҳ: Мушриклар ҳаж қилганда асли Ислом динидаги талбияни айтиб, ортидан ўзларининг ширк ақидаларидан келиб чиққан қўшимчани ҳам қўшиб қўйишарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни бундан қайтариб, «Лаббай, Сенинг шеригинг йўқ», деган гапда «Тўхтанглар! Бўлди, бошқа нарса қўшманглар», дердилар. Улар эса ўзларининг ширк эътиқодларига асосан «Илло, Ўзингнинг шеригинг мустасно, унга ҳам, у эга бўлган нарсаларга ҳам Сен эгалик қиласан», деган хурофий гапларини қўйишдан тўхтамас эдилар.

НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ АЙТГАН ТАЛБИЯ

45. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочларини елимлаган ҳолда: «**Лаббайкаллоҳумма лаббайк, лаббайка лаа шариика лака лаббайк. Иннал-ҳамда ван-ниъмата лака вал- мулк. Лаа шариика лак!**»* деб талбия айтаётганларини эшитганман. У зот бунга (ҳеч нарсани) зиёда қилмасдилар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

Маъноси: «Лаббай, Аллоҳим, лаббай! Лаббай, Сенинг шеригинг йўқ, лаббай! Албатта, ҳамд ҳам, неъмат ҳам, мулк ҳам Сеникидир! Сенинг шеригинг йўқдир!»

ТАЛБИЯНИ БАЛАНД ОВОЗДА АЙТИШ

46. Жобир ва Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Биз ҳажга деб, талбияни баланд айтиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга (Маккага) етиб келдик». (*Муслим ривояти*)

47. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Азрақ* водийсидан ўтаётиб, «**Бу қайси водий?**» дедилар. «Бу Азрақ водийси», дейишди. У зот: «**Мусо алайҳиссаломнинг довондан тушиб келаётганини кўриб тургандекман. У Аллоҳга баралла талбия айтиб келмоқда**», дедилар. Кейин Ҳаршо* довонига келиб, «**Бу қайси довон?**» дедилар. «Ҳаршо довони», дейишди. У зот: «**Юнус ибн Матто алайҳиссаломни семиз қизил туя устида кўриб тургандекман. Эғнида жун жубба. Туясининг нўхтаси хурмо пўстлогидан. Ўзи эса талбия айтяпти**», дедилар». (*Муслим ривояти*)

* **Азрақ** — Усфон шимолида, ундан 10 км. узоқликдаги жой. Ҳозирги кунда «Ғуруна» номи билан машҳур.

* **Ҳаршо** — Шом ва Мадина йўлидаги, Жухфадан 6 км. узоқликдаги довон.

НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ЭҲРОМГА КИРИШЛАРИ

48. Бакрдан ривоят қилинади: «Анас розияллоҳу анҳу: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаж ва умрага (иккиси учун битта) талбия айтаётганларини эшитганман», деди». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

49. Ибн Умар розияллоҳу анҳудан: «Фақат ҳажга талбия айтганлар», деганлари келган. *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

ТАЛБИЯ АЙТИШДАН ОЛДИН ҲАМД, ТАСБЕҲ ВА ТАКБИР АЙТИШ

50. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «... Сўнг уловга миндилар. (Улов) у зотни кўтариб, Байдога олиб чиққанида Аллоҳга ҳамд айтдилар, тасбеҳ ва такбир айтдилар. — **Бошқа ривоятда** «Таҳлил ва тасбеҳ айта бошладилар», **дейилган** — Сўнггра ҳаж ва умра учун талбия айтдилар. *(Бухорий ривояти)*

УЛОВ КЎТАРИЛГАНДА ТАЛБИЯ АЙТИБ ЭҲРОМГА КИРИШ

51. Убайд ибн Журайждан ривоят қилинади: «У Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумога: «Эй Абу Абдурраҳмон, тўрт нарсани қилаётганингизни кўрдим. Асҳобларингиздан ҳеч бирининг уларни қилаётганини кўрмаганман», деди. У киши: «Улар нима экан, эй Ибн Журайж?» деди. «Рукнлардан фақат икки яманий рукни силаётганингизни кўрдим. Сибтийя шиппакларни* кийганингизни кўрдим. Сариқ ранг билан (кийим ва соч-соқолингизни) бўяганингизни кўрдим. Маккада эканингизда одамлар ҳилолни кўриб, талбия* айтишганида ҳам то тарвия куни бўлмагунча талбия айтмаганингизни кўрдим», деди. Абдуллоҳ бундай деди: «Рукнларга келсак, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг фақат мана шу икки рукни силаганларини кўрганман. Сибтийя шиппаклар бўлса, мен Расулуллоҳ соллал-

лоҳу алайҳи васалламнинг жунсиз шиппак кийганларини ва унда таҳорат қилганларини кўрганман. Шу боис уни кийишни яхши кўраман. Сарик рангга келсак, мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг у билан бўяганларини кўрганман. Шунинг учун у билан бўянишни яхши кўраман. Талбияга келсак, мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг то уловлари қўзгалмагунча талбия айтганларини кўрмаганман». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Сибтийя шиппак** — молнинг ошланган терисидан қилинган шиппак. «Сибтийя» сўзи аслида «жунсиз», «қирилган» деган маъноларни англатади.

* **Талбия айтиш** — ҳаж ёки умрада «Лаббайка Аллоҳумма»ни айтиш.

Изоҳ: «Рукн» деб Каъбанинг бурчакларига айтилади. «Икки яманий рукн» деганда Каъбанинг Яман тарафидаги бурчаги билан Ҳажарул асвад ўрнатилган бурчаги назарда тутилган.

52. Нофеъдан ривоят қилинади: «Ибн Умар розияллоҳу анҳумо Маккага чиқмоқчи бўлса, ўзига хуш бўйи бўлмаган мойдан суртар эди. Кейин Зулҳулайфа масжидига келиб, намоз ўқир, сўнгра уловга минар эди. Улови тикланганда эҳромни ният қилар, сўнг: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мана шундай қилганларини кўрганман», дер эди». (Бухорий ривояти)

НАБИЙ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ЗАМОНЛАРИДА НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ НИМА ДЕБ ЭҲРОМ БОҒЛАГАН БЎЛСАЛАР, ЎШАНГА ЭҲРОМ БОҒЛАГАН КИШИ ҲАҚИДА

53. Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Ямандаги бир қавмга жўнатдилар. Келганимда у зот Батҳода эдилар. Шунда у зот: «**Эҳромни нима деб боғладинг?**» дедилар. «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам нима деб боғлаган бўлсалар, ўшанга», дедим. У зот: «**Сенда ҳадий борми?**» дедилар. Мен: «Йўқ», дедим. — **Бошқа ривоятда «Яхши қилибсан» дейилган** — У зот менга буйруқ бериб: «Байтни ҳамда Сафо ва Марвани тавоф қил. Кейин эҳромга кир» дедилар, деди». (Бухорий ва Муслим ривояти)

БАЛАНД ОВОЗДА ТАЛБИЯ АЙТИШ ҲАҚИДА

54. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мен Абу Толҳа билан мингашиб олган эдим. Одамлар ҳар иккиси — ҳаж ва умра учун баланд (талбия) айтишар эди». *(Бухорий ривояти)*

ҲАЙЗЛИ ВА НИФОСЛИ АЁЛЛАР ҚАНДАЙ ТАЛБИЯ АЙТАДИ?

55. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Видолашув ҳажида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга чиқиб, умра учун эҳром боғладик. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Кимнинг ўзи билан бирга ҳадийси* бўлса, ҳаж ва умра учун эҳром боғласин, сўнг ҳар иккисидан эҳромдан чиқмагунича эҳромни ечмасин**», дедилар. Мен Маккага ҳайз кўрган ҳолда келдим. Байтни ҳам, Сафо ва Марвани ҳам тавоф қилмадим. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бундан шикоят қилдим. Шунда у зот: «**Сочингни ёй, тараниб ол ва ҳаж учун эҳром боғлагин-да, умрани қўйиб тур**», дедилар. Мен шундай қилдим. Ҳажни тугатганимизда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Абдурраҳмон ибн Абу Бакр билан бирга Танъимга жўнатдилар, умра қилдим. Шунда у зот: «**Бу умрангнинг ўрнига**», дедилар. Умра учун эҳром боғлаганлар Байтни ҳамда Сафо ва Марвани тавоф қилиб, сўнгра эҳромдан чиқишди. Кейин Минодан қайтганларида яна бир бор тавоф қилишди. Ҳаж ва умрани жам қилганлар эса бир мартагина тавоф қилишди». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

* **Ҳадий** — ҳаж ёки умра қилувчи келтирган қурбонлик. У туя, қорамол, қўй ёки эчки бўлиши мумкин.

56. Абдурраҳмон ибн Қосим отасидан ривоят қилади: «Оиша розияллоҳу анҳо айтдики, Маккага киришдан олдин Сарифда* ҳайз кўриб қолиб, йиғлаб ўтирганида ҳузурига Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кириб келибдилар ва: «**Сенга нима бўлди, ҳайз кўриб қолдингми?**» дебдилар. «Ҳа», дебди. У зот: «**Бу (ҳайз) Аллоҳнинг Одам қизларига битган нарсасидир. Ҳожи адо этади-**

ган ишларни адо қилавер, ғусл олмагунча — бошқа бир ривоятда «покланмагунинггача» — Байтни тавоф қилма», дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Сариф** — Макка шимоли-шарқидаги бир водий.

57. Қосимдан ривоят қилинади: «Мўминларнинг онаси шундай деди: «Эй Аллоҳнинг Расули, одамлар (ҳаждан) икки амал билан қайтишяпти. Мен эса биргина амал билан кетяпман», дедим. У зот: «**Кутиб тур, (ҳайздан) покланганингда Танъимга чиқиб, ўша ердан эҳром боғла.** — бошқа бир ривоятда «Сени Абдурахмон (уканг) уловда олиб боради» дейилган — Кейин фалон жойда бизга етиб ол — Менимча, «эртага» деганлар — Бироқ у (ажру савоб) заҳматинг (ёки «сарф-харажатинг») миқдоричадир», дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

ҲАЖДА ШАРТ ҚЎЙИШ

58. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зубоъа бинт Зубайрнинг олдида кириб, унга: «**Ҳажни ирода қилибсанми?**» дедилар. У: «Аллоҳга қасамки, ўзимни бетоб ҳис қияпман», деди. У зот унга: «**Ҳаж қилавер ва шарт қилиб, «Аллоҳим! Эҳромдан чиқиш ерим Сен мени тутиб қолган жойдир», деб айт**», дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

ИФРОД, ТАМАТТУЪ ВА ҚИРОН ҲАЖИ ҲАҚИДА

59. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга йўлга чиқдик. У зот: «**Сизлардан ким ҳаж ва умрага эҳром боғламоқчи бўлса, шундай Қилсин, ким ҳажга эҳром боғламоқчи бўлса, боғласин, ким умрага эҳром боғламоқчи бўлса, боғласин**», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳажга эҳром боғладилар. У зот билан бирга бир неча одамлар (ҳажга) эҳром боғлашди. Баъзи одамлар умра ва ҳажга эҳром боғлади, баъзи одамлар эса умрага эҳром боғлади. Мен умрага эҳром боғлаганлардан эдим». (Бухорий ва Муслим ривояти)

60. Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Зулқаъдадан беш кун қолганда фақат ҳажни кўзлаган ҳолда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга йўлга чиқдик. Маккага яқинлашганимизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадий атамаганларни Байтни тавоф қилиб ва Сафо ва Марва орасида саи қилиб бўлгандан сўнг эҳромдан чиқишга буюрдилар». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

61. Умар розияллоҳу анҳу айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ақиқ* водийсида шундай деяётганларини эшитганман: «**Бу кеча Раббим тарафидан кимдир келиб: «Бу муборак водийда намоз ўқи ва: «Ҳажга қўшиб умра (қиламан)», — бошқа ривоятда «Умра ва ҳаж» — деб айт**», деди». *(Бухорий ривояти)*

* **Ақиқ водийси** — Мадина ғарбидаги водий.

62. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, (Ийсо) Ибн Марям Равҳо водийсида ҳаж ёки умрага ёхуд иккисига талбия айтади**», дедилар». *(Муслим ривояти)*

ТАМАТТУЪНИНГ ЖОИЗЛИГИ ҲАҚИДА

63. Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳумо айтади: «Таматтуъ ояти — яъни таматтуъ ҳажи — Аллоҳнинг Китобида нозил бўлгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни шунга буюрдилар. Кейин таматтуъ ҳажини насх қиладиган бирорта оят нозил бўлмади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, то вафот этгунларича ундан қайтармадилар». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

64. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зулҳижжанинг тўртинчи ёки бешинчи куни келдилар. Олдимга ғазабланган ҳолда кирдилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, сизни ким ғазаблантирди? Аллоҳ уни дўзахга киритсин!» дедим. У зот: «**Кўрмайсанми, мен одамларга бир ишни буюрсам, улар тараддудланишяпти. Бундай бўлишини билганимда, ҳадий етаклаб келмай, уни сотиб олган бўлар эдим. Сўнгра улар эҳромдан чиққанидек, (мен ҳам) эҳромдан чиқар эдим**», дедилар». *(Муслим ривояти)*

ТАМАТТУЪ ҚИЛУВЧИ ҚАЧОН ЭҲРОМГА КИРАДИ?

65. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни эҳромдан чиққач, (тарвия куни) Минога отланганимизда (ҳажга) эҳром боғлашга буюрдилар. Биз Абтаҳдан* эҳром боғладик». (Муслим ривояти)

* **Абтаҳ** — (Батҳо ёки Муҳассаб дейилади) Макка ва Мино оралиғидаги кенг водий.

ТАМАТТУЪ ҚИЛУВЧИГА ВОЖИБ БЎЛАДИГАН АМАЛЛАР

66. Ибн Умар розияллоҳу анҳумо айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам видолашув ҳажидида умрани ҳажга улаб таматтуъ* қилдилар. Ҳадий атаб, ўша ҳадийни Зулҳулайфадан ҳайдаб бордилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аввал умра учун, сўнг ҳаж учун талбия* айтдилар. Одамлар ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга умрани ҳажга улаб таматтуъ қилишди. Одамларнинг орасида ҳадий атаб, уни ҳайдаб келганлар ҳам, ҳадий атамаганлар ҳам бор эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага келганларида одамларга: **«Сизлардан ким ҳадий атаган бўлса, то ҳажини адо этмагунича ўзига тақиқланган нарсаларнинг бирортаси унга ҳалол бўлмайди. Сизлардан ким ҳадий атамаган бўлса, у Байтни ҳамда Сафо ва Марвани тавоф қилсин, сочини қисқартирсин ва эҳромдан чиқсин! Кейин (вақти келганда) ҳажга эҳром боғласин. Ким ҳадий топа олмаса, ҳажда уч кун, ўз аҳлига қайтганда етти кун рўза тутсин»**, дедилар. У зот Маккага келишлари билан тавоф қилдилар ва энг аввал рукни истилом қилдилар. Кейин учта тавофни тез одимлаб, тўрттасини оддий юриб ўтадилар. Байтни тавоф қилиб бўлгач, Мақом олдида икки ракат намоз ўқидилар. Сўнг салом бериб, тугатдилар. Сафога келиб, Сафо ва Марвани етти бор тавоф қилдилар. Кейин то Қурбонлик куни ҳажларини тамомлаб, қурбонлик қилгунларича ўзларига тақиқланган нарсаларнинг бирортаси у зотга ҳалол бўлмади. Қайтиб тушиб, Байтни тавоф қилдилар. Шундан сўнг ўзларига тақиқланган барча нарсалар

у зотга ҳалол бўлди. Ҳадий атаб, ҳадий етаклаб келган одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нима қилган бўлсалар, ўшани қилишди». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Таматтуъ** — ҳажнинг уч туридан бири. Бунда ҳаж қилмоқчи бўлган одам эҳромга кираётган пайтида аввал умра қилишни, умрадан кейин эса ҳаж кунларигача эҳромдан чиқиб юришни ният қилади. Ҳаж кунлари келганда яна эҳром боғлаб, ҳажни адо этади.

* **Талбия айтиш** — ҳаж ёки умрада «Лаббайкаллоҳумма»ни айтиш; эҳром боғлашда ушбу иборини айтиб ҳаж ёки умрани ният қилиш. Масалан, «Лаббайка бил-ҳажж» ёки «Лаббайка бил- умроҳ» каби.

ҚИРОН ҚИЛУВЧИ ҚАЧОН ЭҲРОМДАН ЧИҚАДИ?

67. Ҳафса розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Видолашув ҳажи йили аёлларига эҳромдан чиқишни буюрдилар. Мен у зотга «Эҳромдан чиқишдан сизни нима тўсаяпти?» деганимда, у зот: «**Мен сочимни елимлаб, ҳадийимга илги останман, энди ҳадийимни бўғизламагунимча эҳромдан чиқмайман**», деб айтдилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

ИФРОД ВА ҚИРОН ҲАЖЛАРИНИ НИЯТ ҚИЛУВЧИ ТАВОФ ВА САЪЙНИ БИР МАРТАДАН ҚИЛИШИ КИФОЯ

68. Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Нафр* куни менга: «**Шу тавофинг ҳажинг ва умранг учун етарли**» дедилар». (Муслим ривояти)

* **Нафр куни** — қайтиш куни демақдир. Ҳожилар шу кунлари Минодан Маккага қайтишади. Зулҳижжанинг ўн иккинчи куни «биринчи нафр» дейилади, охирги нафр куни ўн учинчи кунидир.

69. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумо айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, у зотнинг асҳоблари ҳам Сафо билан Марвани фақат бир марта тавоф қилишди». (Ровий) Муҳаммад ибн Бакрнинг ривоятида: «фақат аввалги тавофлари-

ни», деб қўшимча қилинган. (*Муслим ривояти*)

Изоҳ: Бир гуруҳ фуқаҳолар ушбу ҳадисдан «қирон ҳажи учун бир марта саъй қилиш кифоя» деган ҳукмни олганлар. Аммо бошқа бир гуруҳ, жумладан, ҳанафий мазҳаби уламолари қирон ҳажида ҳаж учун алоҳида, умра учун алоҳида саъй қилиш лозим, дейдилар.

ҲАДИЙ ЕТАКЛАМАГАН ИНСОН ҲАЖНИ УМРАГА АЙЛАНТИРИШИ

70. Ато хабар қилади: «Бир неча киши билан турган эдим. Жобир ибн Абдуллоҳнинг шундай деганини эшитдим: «Биз — Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари умрасиз, ҳажнинг ўзига эҳром боғладик. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам зулҳижжанинг тўртинчи куни тонгда келдилар. Келганимизда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга эҳромдан чиқишни буюриб, «**Эҳромдан чиқинглар ва аёллардан баҳраланаверинглар**», дедилар. У зот буни бизга қатъий қилиб айтмадилар, балки уларни бизга ҳалол қилдилар, холос. У зотга бизнинг «Арафага беш кунгина қолганда аёлларимизнинг бизга ҳалол бўлишини буюрибдилар-да! Унда Арафага закаримиздан маний томиб турган ҳолда келамиз-ку», деганимиз етиб борибди. — Жобир қўлини бундай қилиб ҳаракатлантирди — Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Биласизларки, мен сизларнинг Аллоҳга энг кўп тақво қиладиганингиз, энг ростгўй ва энг солиҳингизман. Ҳадийим бўлмаганида, сизлар эҳромдан чиққанингиздек, мен ҳам эҳромдан чиққан бўлардим. Эҳромдан чиқинглар. Агар аввал қилган ишимга энди рўпара бўлсам, ҳадий атамаган бўлар эдим**», дедилар. Шунда биз эҳромдан чиқдик, қулоқ солдик ва итоат қилдик. Кейин Али ҳам закот йиғишдан келиб қолди. У зот: «**Сен нима деб эҳром боғладинг?**» дедилар. «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам нимага эҳром боғлаган бўлсалар, ўшанга деб», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «**Ҳадий атагин-да, эҳромда қолавер**», дедилар. Али (ўзи сотиб олган) ҳадийларни у зотга топширди. Суроқа ибн Молик ибн Жуъшум: «Эй Аллоҳнинг Расули, бу фақат шу йил учунми ёки тоабадми?» деди. У зот: «**Тоабад**», дедилар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

71. Абу Шиҳоб сўзлаб берди: «Таматтуъ қилиб, Маккага умра учун келдим. Тарвиядан уч кун олдин кириб бордик. Маккалик баъзи кишилар менга: «Сенинг ҳажинг энди маккий бўлади», дейишди. Атонинг ҳузурига фатво сўраб кирдим. У деди: «Менга Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумо Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари билан бирга баданаларни ҳайдаб борганларида у зот билан бирга ҳаж қилганини сўзлаб берган: «Улар фақат ҳаж учун эҳром боғлашган эди. У зот уларга: **«Байтни, Сафо ва Марвани тавоф қилиш ҳамда сочни қисқартириш билан эҳромингиздан чиқинг. Кейин шу ҳалол ҳолингизча туринг. Тарвия* кун келганда ҳаж учун эҳром боғланг ва аввал қилганингизни таматтуъга (умрага) айлантиринг»**, дедилар. Улар: «Қандай қилиб уни таматтуъга айлантирамиз, ахир ҳаж деб атаб қўйганмиз-ку?» дейишди. Шунда у зот: **«Сизлар буюрганганимни қилинг. Ҳадий ҳайдаб келмаганимда, ўзим ҳам сизларга буюрганганимни қилган бўлар эдим. Лекин ҳадий ўз жойига* етиб бормагунча (эҳром сабабли) ҳаром қилинган бирор нарса менга ҳалол бўлмайди»**, дедилар.

Улар шундай қилишди». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

* **Тарвия кун** — ёлғон арафа кун. Бу зулҳижжа ойининг саккизинчи кун бўлиб, ҳаж амаллари шу кундан бошланади.

Яъни ҳадийни сўйиш жойи. Ҳанафийлар наздида бу ҳарам ҳудудидир. Ҳарам ҳудуди — Мино, Арафот, Муздалифа каби ҳаж амаллари бажариладиган жойларни ўз ичига олган, эҳромсиз кириш мумкин бўлмаган маълум ҳудуддир.

ИФРОДНИ НИЯТ ҚИЛУВЧИ ҲАЖДАН КЕЙИН УМРА ҚИЛИШИ ҲАҚИДА

72. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «... Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муҳассабга* тушдилар-да, Абдурраҳмон ибн Абу Бакрни чақириб, **«Синглингни ҳарам ҳудудидан олиб чиқ. У умра учун эҳром боғлаб, кейин Байтни тавоф қилсин. Мен сизларни шу ерда кутаман»**, дедилар. Биз йўлга чиқдик. Мен эҳром боғладим. Кейин Байтни ва Сафо-Марвани тавоф қилдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига ярим тунда етиб келдик, у зот ўз манзилларида эканлар. Шунда: **«Адо этиб бўлдингми?»** дедилар. «Ҳа», дедим. У зот

саҳобаларига йўлга тушишни эълон қилиб, йўлга отландилар. Байтнинг олдидан ўтиб, бомдод намозидан олдин уни тавоф қилдилар. Сўнг Мадина томон йўлга чиқдилар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

* **Муҳассаб** — Макка билан Мино орасидаги водийнинг номи бўлиб, луғатда «майда тошлар тўпланган жой» деган маънони билдиради. Бу ерга сел сабабли майда тошлар йиғилиб қолгани учун шу номни олган. Ҳожилар ҳаж амалларини тугатиб, Минодан қайтишда ўша ерда тунаб қолишади.

ЭҲРОМДАГИ КИШИ БИЛМАСДАН КИЙИМ КИЙИШИ ЁКИ ХУШБЎЙЛАНИШИ

73. Сафвон ибн Яъло ибн Умайя хабар қилади: «Яъло менга хабар бердики, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ваҳий нозил қилинаётган пайтларида кўрсам эди, деб юрар экан. У (Яъло) шундай деди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Жиъронада* эдилар. Тепаларига бир мато соябон қилиб қўйилган, ёнларида бир неча саҳобалари ҳам бор эди. Шу пайт эғнида жубба* ўзидан эса хушбўй ҳид уфуриб турган бир аъробий у зотнинг ҳузурларига келиб, «**Эй Аллоҳнинг Расули, хушбўйга беланиб олгандан кейин бир жубба билан умрага эҳром боғлаган кишига нима дейсиз?**» деди. Умар менга: «Буёққа кел», деб ишора қилди. Мен келиб, бошимни (матойичига) тикдим. Қарасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзлари қизарган, ўзлари ҳансираётган эканлар. Бир муддатдан сўнг (ваҳий) у зотдан аста аригач, «**Ҳозиргина мендан умра ҳақида сўраётган қани?**» дедилар. Ҳалиги кишини қидириб, олиб келишди. «**Ўзингдаги хушбўйликни уч марта ювиб ташла, жуббангни эса еч ва ҳажингда қандай қилсанг, умрангга ҳам шундай қил**», дедилар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

* **Жиърона** — Тоифдан Маккага киришда жойлашган шаҳар бўлиб, у билан Макка оралиғи 6-7 мил келади. У умра учун мийқот ҳисобланган.

* **Жубба** — ипак, жун ва бошқа матолардан тикиладиган ёқасиз қимматбаҳо устки кийим бўлиб, бугунги кундаги чопонга ўхшаш бўлган.

ЭХРОМДАГИ КИШИНИНГ НИКОҲИ

74. Усмон ибн Аффондан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эҳромдаги одам никоҳланмайди, никоҳламайди, совчи ҳам қўймайди»**, деганлар». (Муслим ривояти)

ЭХРОМДАГИ ИНСОНГА ОВ ОВЛАШ ҲАРОМЛИГИ

75. Саъб ибн Жассома Лайсий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «У Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам Абвода* [ёки Ваддонда*] эканларида у зотга ёввойи эшак ҳадя қилган экан, уни рад этибдилар. Кейин унинг (Саъбнинг) юзидаги ўзгаришни кўриб, **«Биз эҳромда бўлганимиз учунгина уни рад этдик»**, дебдилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Абво ва Ваддон** — Мадина билан Макка ўртасидаги қишлоқлардир. Улар Мадина жануб-ғарбида, ундан 220 км. узоқликда жойлашган. Бу ердаги иккиланиш ровийлардан бири томонидан содир бўлган.

76. Абдуллоҳ ибн Абу Қатода отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам ҳаж қилиш учун йўлга чиқдилар. Биз ҳам бирга чиқдик. Баъзи саҳобаларини (соҳилга) юбордилар, уларнинг орасида мен ҳам бор эдим. **«Мен билан учрашгунингизча денгиз соҳили бўйлаб кетаверинглар»**, дедилар. Биз денгиз соҳили бўйлаб юрдик. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам томонга бурилгач, ҳамма эҳром боғлади, фақат мен эҳром боғламадим. Йўлда кетаётиб, ёввойи эшакларни кўриб қолдик. Мен уларга ҳамла қилиб, уларнинг орасидан бир урғочисини овладим. Ҳамма тўхтаб, унинг гўштидан еб олишди. Сўнг эса: **«Эҳромда бўла туриб, (овланган) гўшт еб қўйибмиз-ку!»** дейишди. Кейин унинг гўштидан қолганини кўтариб олишди. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келгач, **«Эй Аллоҳнинг Расули, биз эҳром боғлаган эдик. Абу Қатода эса эҳром боғламаган эди. Ёввойи эшакларни кўриб қолдик. Абу Қатода уларга ҳамла қилиб, бир урғочи эшакни овлади.**

Тўхтаб, унинг гўштидан едик-да, кейин «Эҳромда бўла туриб, ов гўшти еяпмиз-а!» деб қолдик. Унинг гўштидан қолганини кўтариб келдик», дейишди. У зот: «**Бирортангиз (ўша эшакни овлашни) унга буюрдими ёки унга бирор ишора қилдими?**» дедилар. «Йўқ», дейишган эди, «**Унда қолган гўштини ҳам еяверинглар**», дедилар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

77. Абу Қатода розияллоху анҳу айтади: «Худайбия йили Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга йўлга чиқдик. У зотнинг асҳоблари эҳром боғлашди, мен эса эҳром боғламадим. Бизга Ғайқада* душман борлиги хабар қилинди. Биз улар томон юрдик. Шерикларим бир ёввойи эшакни кўриб қолиб, бир-бирларига қараб, кула бошлашди. Мен ҳам қараб, уни кўргач, устига от солдим ва унга (найза отиб) санчиб қўйдим. Улардан ёрдам сўраган эдим, менга ёрдам беришдан бош тортишди. Кейин ундан едик. Кейин мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга етиб олишга ҳаракат қилдим. Биз у зотдан алоҳида ажралиб қолишдан хавфсираб қолдик. Отимни гоҳ чоптирар эдим, гоҳ йўрғалатар эдим. Ярим тунда Бану Ғифорлик бир кишини учратдим ва «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни (охирги марта) қаерда кўрдинг?» дедим. У: «У зотни Таъҳинда кўрдим, (ҳозир) Суқёда қайлула қилмоқдалар», деди. Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга етиб олиб, олдиларига келдим ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, асҳобларингиз сизга салом ва Аллоҳнинг раҳмату баракотини айтиб юборишди. Душман уларни сиздан тўсиб қўйишидан хавфсираб қолишди, уларни кутиб туринг», дедим. У зот шундай қилдилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз ёввойи эшак овлаган эдик, ёнимизда (гўштидан) ортгани бор», дедим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам асҳобларига: «**Еяверинглар**», дедилар. Ҳолбуки, улар эҳромда эдилар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

* **Ғайқа** — Макка ва Мадина ўртасидаги шаҳарлардан бири, Бану Ғифорликларнинг шаҳарларидан. Бадрдан 40 км. узоқликда.

ЭХРОМДАГИ ИНСОН ОВЛАНГАН ОВДАН ЕЙИШИ ЖОИЗЛИГИ

78. Муъоз ибн Абдурраҳмон ибн Усмон Таймий отасидан ривоят қилади: «Талҳа ибн Убайдуллоҳ билан бирга эдик. Биз эҳромда эдик. Менга бир қушни ҳадя қилишди. Талҳа ухлаб ётган эди. Баъзиларимиз едик, баъзиларимиз эҳтиёт юзасидан емадик. Талҳа уйғонгач, еган кишиларни маъқуллаб, «Биз ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга (эҳромда бўла туриб) овланган гўштни еганмиз», деди». *(Муслим ривояти)*

ЭХРОМДАГИ ИНСОН ЎЛДИРИШИ ЖОИЗ САНАЛГАН ҲАЙВОНЛАР

79. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бешта фосиқ* борки, улар ҳиллда* ҳам, ҳарамда* ҳам ўлдирилади: илон, олақарға, сичқон, қопағон ит ва калхат**», дедилар». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

* **Фосиқ** — кўп зарар берувчи.

* **Ҳилл** — қуруқлик.

* **Ҳарам** — ҳарам ҳудуди.

80. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бешта жонивор борки, уларни ўлдиришда эҳромдаги кишига гуноҳ бўлмайди: қарға, калхат, чаён, сичқон ва қопағон ит**», дедилар». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

81. Зайд ибн Жубайрдан ривоят қилинади: «Бир киши Ибн Умардан: «Эҳромдаги одам қайси жониворларни ўлдирса бўлади?» деб сўраган эди, «Менга Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларидан бири айтиб берганки, у зот қопағон ит, сичқон, чаён, калхат, қарға ва илонни ўлдиришга буюрар эканлар. Намозда бўлса ҳам», деди». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

БИРОР ОЗОР САБАБ ВОЖИБ БЎЛГАН ФИДЯДАГИ ИХТИЁР

82. Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Худайбия (сулҳи) пайтида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг олдимдан ўтиб қолдилар. У зот менга: «**Бошингнинг зараркунандалари озор бердими?**» дедилар. «Ҳа», дедим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «**Сочингни қирдир. Сўнгра битта қўй қурбонлик қилгин ёки уч кун рўза тутгин, ёхуд уч соъ хурмони олтига мискинга едиргин**», дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

83. Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳу айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эҳром боғлаб йўлга чиққан эдим, соч-соқолимга бит тушди. Бу гап Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб келгач, менга одам юбордилар. У бир сартарошни чақирди, у менинг сочимни олиб ташлади. Сўнгра у зот менга: «**Қурбонлигинг борми?**» дедилар. «Бунга қодир эмасман», дедим. Шунда у зот менга уч кун рўза тутишни ёки олтига мискинга — ҳар икки мискинга бир соъдан таом беришни буюрдилар. Шунда Аллоҳ азза ва жалла менга хос қилиб:

﴿فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَّرِيضًا أَوْ بِهِ أَذًى مِّن رَّأْسِهِ﴾

«Сиздан ким бемор бўлса ёки бошида озор берувчи нарса бўлса...» (Бақара сураси, 196-оят)ни нозил қилди. Кейин бу ҳукм муслмонларга умумий бўлди». (Бухорий ва Муслим ривояти)

ЭҲРОМДАГИ ИНСОН ҲИЖОМА ҚИЛДИРИШИ

84. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам оғриқ туфайли «Лаҳйу Жамал» деб аталадиган сув олдида эҳромли ҳолларида бошларидан қон олдирдилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Лаҳйу Жамал** — Мадинанинг жануб-ғарбида, у ердан 135 км. узоқликда жойлашган жой.

ЭҲРОМДАГИ ИНСОННИНГ КЎЗИ КАСАЛЛАНСА ДАВОЛАНИШ ЖОИЗЛИГИ

85. Усмон розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўзи касалланган киши эҳромда бўлса, собир* боғлаши кераклигини айтган». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

* **Собир** — алоэ ўсимлиги.

Изоҳ: Уламолар бемор эҳромда бўлса, даво қилинаётган дори хушбўй ёки зийнат бўлмаслиги кераклигини айтишган.

ЭҲРОМДАГИ ИНСОН ЮВИНИШИ

86. Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Ҳунайн отасидан ривоят қилади: «Абдуллоҳ ибн Аббос ва Мисвар ибн Махрама Абвода тортишиб қолишди. Абдуллоҳ ибн Аббос: «Эҳромдаги киши бошини юаверади», деди. Мисвар эса: «Эҳромдаги киши бошини ювмайди», деди. Шунда Абдуллоҳ ибн Аббос мени Абу Айюб Ансорийнинг ҳузурига юборди. Мен уни (қудуқ лабидаги) икки устуннинг ўртасида бир мато билан тўсилиб олиб, ғусл қилаётган ҳолида топдим. Унга салом бердим. У: «Ким бу?» деди. «Мен Абдуллоҳ ибн Ҳунайнман. Абдуллоҳ ибн Аббос мени сиздан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эҳромдаликларида бошларини қандай ювар эдилар, деб сўрашга юборди», дедим. Абу Айюб қўлини ҳалиги матога қўйиб, уни пасайтирди ва менга унинг боши кўринди. Сўнг унга сув қуйиб турган кишига: «Қуй», деди. У бошига қуйди. Кейин у икки қўли билан сочини ишқалади: уларни олдиндан орқага, орқадан олдинга юргизди ва «У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай қилаётганларини кўрганман», деди». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

ЭҲРОМ ҲОЛАТИДА ВАФОТ ЭТГАН ИНСОН ҚАНДАЙ КАФАНЛАНАДИ?

87. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Арафотда вуқуф қилиб турган эди, туясидан йиқилиб тушиб, бўйни синди [ёки «бўйни синиб кетди» деди]. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уни сув ва сидр билан ювинглар ҳамда икки эн кийимига кафанланглар. Унга хушбўйлик суртманглар. Бошини беркитманглар, унга ҳанут* суртманглар чунки қиёмат куни Аллоҳ уни талбия айтган ҳолида тирилтиради!»** дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Ҳанут** — майит баданига ва кафанига суриладиган хушбўйлик.

МАККАГА ҚАЕРДАН КИРИЛАДИ?

88. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (Мадинадан ҳаж ёки умрага) Шажара* йўлидан чиқиб, (қайтишда Мадинага) Муъаррас* йўлидан кириб келар эдилар. Маккага кираётганларида эса юқори довондан кириб, қуйи довондан чиқардилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Шажара** — Зул Ҳулайфа мийқоти яқинидаги машҳур дарахт, ҳозир унинг ўрнида масжид бор.

* **Муъаррас** — сафар асносида тунаш учун, дам олиш учун тушиладиган жойдир. У Зул Ҳулайфадаги бир мавзе бўлиб, ўша ерда йўловчилар тунашган.

89. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Фатҳ йили (Маккага) Макканинг юқори тарафидаги Кадодан* кирдилар ва Кудодан* чиқдилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Кадо** — юқори довоннинг чеккасидаги тоғ. Бу довоннинг ўзи ҳам шу ном билан номланган.

* **Кудо** — қуйи довоннинг чеккасидаги тоғ бўлиб, бу довонни ҳам гоҳида шу ном билан аташган.

МАККАГА КИРИШДАН АВВАЛ ҒУСЛ ҚИЛИБ ОЛИНИШИ

90. Нофеъдан ривоят қилинади: «Ибн Умар розияллоҳу анҳумо ҳарамга энг яқин жойга кириб келиши билан талбиядан тўхтар, кейин Зутувода* тунар, сўнгра шу ерда бомдодни ўқиб, ғусл қилар ва Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай қилганларини сўзлаб берар эди». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

* **Зутуво** — ҳозирги кунда «Жарвал» деб номланади.

НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИЛГАН ҲАЖЛАРИ

91. Жаъфар ибн Муҳаммад отасидан ривоят қилади: «Мен, Жобир ибн Абдуллоҳга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳажлари ҳақида айтиб беринг», дедим. У қўлини тўққиз қилиб* боғлаб, шундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўққиз йил ҳаж қилмай турдилар. Сўнгра ўнинчи йили одамлар орасида «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаж қилмоқчилар!» деб жар солдирдилар. Мадинага жуда кўп одам келди. Ҳамма Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиб, (ҳажда) у зот қилган ишни худди у зот қилгандек қилиш илинжида эди. У зот билан бирга йўлга чиқиб, Зул Ҳулайфага келганимизда Асмо бинт Умайснинг кўзи ёриб, Муҳаммад ибн Абу Бакр туғилди. У: «Энди нима қилай?» деб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга одам юборди. У зот: «**Ғусл қилиб, бирор матони таглик* қилиб олиб, эҳромга киравер**», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни масжидда ўқидилар. Кейин Қасвога* миндилар. Ниҳоят, у зот минган туя туриб, ростланиб олгач, Байдода* у зотнинг олдиларида кўзим етган жойгача отлиғу пиёдалар турганини кўрдим. Ўнг томонларида ҳам ўшанча, чап томонларида ҳам шунча, ортларида ҳам шунча бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам орамизда эди-

лар. У зотга Қуръон нозил бўлиб турар, у зот унинг таъвилини* билар эдилар. У зот нима қилсалар, биз ҳам шуни қилар эдик. У зот тавҳид талбиясини* айтдилар: «**Лаббайкаллоҳумма лаббайк! Лаббайка, лаа шариика лака, лаббайк! Иннал-ҳамда, ван- ниъ-мата лака вал-мулк, лаа шариика лак!**». Одамлар у билан бирга ўзлари айтадиган талбияни* ҳам айтишган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга эътироз қилмадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз талбияларини айтавердилар. (Жобир айтади) биз фақат ҳажни ният қилган эдик, умрани ўйламаган эдик. Ниҳоят, у зот билан бирга Байтга етиб келдик. У зот рукни истилом* қилиб, уч марта рамл* қилдилар, тўрт марта оддий юрдилар-да, сўнг Иброҳим алайҳиссаломнинг Мақомига* ўтдилар ва:

﴿وَاتَّخِذُوا مِن مَّقَامِ إِبْرَاهِيمَ مُصَلِّينَ﴾

«**Иброҳим мақомини намозгоҳ қилиб олинглар**» (Бақара сураси, 125-оят)ни ўқидилар. Мақом у зот билан Байтнинг ўртасида қолди. - (Жаъфар айтади) Отам шундай дер эдилар (мен буни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларидан зикр қилган деб биламан): «Шу икки рақъатда

﴿قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ﴾

«**Қул ҳуваллоҳу аҳад**» билан

﴿قُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ﴾

«**Қул йаа аййуҳал-каафируун**» сурасини ўқир эдилар». - У зот кейин рукнга қайтиб, уни истилом қилдилар. Кейин (ўшато-монга қараган) эшиқдан Сафо томонга чиқдилар. Сафога яқинлашганларида

﴿إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِن شَعَائِرِ اللَّهِ﴾

«**Сафо ва Марва Аллоҳнинг шиорларидандир**» (Бақара сураси, 158-оят)ни ўқиб, «**Аллоҳ бошлаган нарсадан бошлайман**»

деб, Сафодан бошладилар. Унга кўтарилиб, Байтни кўрганларида қиблага юзланиб, Аллоҳга тавҳид ва такбир айтиб:

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ،
لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ، أُنْجِزْ وَعْدَهُ، وَنَصِّرْ عَبْدَهُ، وَهَزِمِ الْأَحْزَابَ وَحْدَهُ.

«Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу, лаа шариика лаҳ, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамд ва ҳува ʔалаа кулли шайʔин қодиир. Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳ, анжаза ваъдаҳ, ва насоро ʔабдаҳ ва ҳазамал-аҳзааба ваҳдаҳ», дедилар. (Тавҳид ва такбирнинг маъноси: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У ягонадир, Унинг шериги йўқдир. Мулк Унга хосдир, ҳамд ҳам Унга хосдир. У ҳар бир нарсага қодирдир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У ягонадир. У Зот ваъдасини бажарди, бандасига нусрат берди ва гуруҳларни бир Ўзи тор-мор қилди».)

Буни уч марта айтиб, уларнинг ўртасида (икки марта) дуо қилдилар. Сўнг Марва томон тушдилар. Қадамлари водийнинг энг қуйи жойига етганда тезлаб юра бошладилар. Тепаликка кўтарилганда оддий юриб, Марвага етиб келдилар. Марвада ҳам Сафода қилганларидек қилдилар. Ниҳоят, тавофларининг (саъйларининг) охири Марвада тугади. Сўнг: «Бундай бўлишини билганимда, ҳадий ҳайдаб келмай, буни (ҳажни) умрага айлантирган бўлар эдим. Қай бирингизнинг ҳадийси бўлмаса, эҳромдан чиқсин ва уни умрага айлантирсин», дедилар. Суроқа ибн Молик ибн Жуъшум туриб, «Эй Аллоҳнинг Расули, бу фақат шу йил учунми ёки тоабадми?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бармоқларини бир-бирига кириштириб туриб, икки марта: «Умра ҳажнинг ичига кирди» деб, сўнг «Йўқ, абадул абад», дедилар. Али Ямандан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баданаларини олиб келди. У Фотима розияллоҳу анҳонинг эҳромдан чиқиб, бўялган кийим кийиб, сурма қўйиб олганини кўриб, бунга эътироз билдирган эди, у (Фотима): «Буни менга отам буюрдилар», деди. (Кейинчалик) Али Ироқда шундай дер эди: «Ўшанда Фотиманинг қилган ишидан аччиғим келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига «У зот айтдилар» деган гапи ҳақида сўрагани бордим ва бунга эътироз билдирганимни у зотга айтдим. Шунда у зот: «Рост айтибди. Рост айтибди. Ҳаж ният қилганингда нима деган эдинг?» деди-

лар. «Аллоҳим, Расулинг нимага эҳром боғлаган бўлсалар, ўшанга эҳром боғлайман, деган эдим», дедим. У зот: «**Менда ҳадий бор, шунинг учун сен ҳам эҳромдан чиқмай турасан**», дедилар». Али Ямандан келтирган ҳадийлар билан Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари олиб келган ҳадийлар жами юзта бўлди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳамда ҳадийси борлардан бошқалар эҳромдан чиқиб, сочларини қисқартиришди. Тарвия куни эса Минога отланиб, ҳажга эҳром боғлашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уловга миниб олгандилар. У зот у ерда (Минода) пешин, аср, шом, хуфтон ва бомдодни ўқидилар. Сўнг қуёш чиққунича бироз турдилар ва ўзлари учун Намирада* жундан қилинган чодир тикишни буюрдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жўнаб кетдилар. Қурайшликлар у зот ҳам худди Қурайш жоҳилият даврида қилганидек, Машъарул-ҳаромда* вуқуф қиладилар, деб ўйлашган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у ердан ўтиб, Арафотга етиб бордилар. Борсалар, ўзлари учун Намирада чодир тикиб бўлинган экан. Ўша ерда тўхтадилар. Қуёш оғандан сўнг буюрдилар, у зотга Қасвони эгарлаб беришди. У зот водийнинг ўртасига бориб, одамларга хутба қилдилар: «**Қонларингиз ва молларингиз сизлар учун мана шу кунингиз ҳаром бўлгани каби, мана шу ойингизда, мана шу шаҳрингизда ҳаром бўлгани каби ҳаромдир. Билиб қўйинглар, жоҳилият пайтидаги барча ишлар оёғим остига ташланди.* Жоҳилиятдаги қон ҳаққи ҳам бекордир. Биринчи бўлиб бекор қиладиганим ўзимизнинг қон ҳаққимиз — Ибн Рабиъа ибн Ҳориснинг қонидир. У Бану Саъдга эмизиш учун берилган эди, Ҳузайл (қабиласи) уни ўлдирган эди. Жоҳилият рибоси ҳам бекордир. Биринчи бўлиб бекор қиладиганим — ўзимизнинг рибомиз! Аббос ибн Абдулмутталибнинг рибосидир, унинг ҳаммаси бекордир. Аёллар хусусида Аллоҳдан қўрқинглар! Зеро, сиз уларни Аллоҳнинг омонати ила олгансиз ва Аллоҳнинг калимаси ила фаржларини ўзингизга ҳалол қилгансиз. Уларнинг зиммасидаги ҳаққингиз — сиз ёмон кўрган кимсани остонангиздан ҳатлатмасликларидир. Бордию, шундай қилишса, уларни қаттиқ урманглар. Уларнинг сизнинг зиммангиздаги ҳаққи — маъруф ила едириб, кийинтиришдир. Сизларга шундай нарсани қолдирдимки, агар уни маҳкам тутсангиз, ҳаргиз залолатга кетмайсиз. У — Аллоҳнинг Китобидир. Сизлар мен ҳақимда сўраласизлар.* Хўш, ўшанда нима дейсизлар?». Одамлар: «Етказганингизга, адо этганингизга ва холис бўлганингизга гувоҳлик**

берамиз», дейишди. Шунда у зот кўрсаткич бармоқларини осмонга кўтариб, кейин одамлар томонга ишора қилиб, «**Аллоҳим, Ўзинг гувоҳ бўл! Аллоҳим, Ўзинг гувоҳ бўл!**» деб уч марта айтдилар. Сўнг азон ва иқомат айттириб, пешинни ўқидилар. Кейин яна иқомат айттириб, асрни ўқидилар. Иккисининг орасида ҳеч қандай намоз ўқимадилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уловга миниб, мавқифга бордилар. Туялари Қасвонинг қорнини харсангларга (тўғри) қилдилар, пиёдалар юрар йўлни олдиларига қилиб, қиблага юзландилар. То қуёш ботиб, сариқлик бироз кетгунча вуқуф қилдилар. Ниҳоят, гардиш ҳам ғойиб бўлди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Усомани ортларига мингаштирганча қайтдилар. У зот Қасвонинг тизгинини шунақанги қаттиқ тортдиларки, ҳатто унинг боши эгарнинг қошига тегай деб қолди. У зот ўнг қўллари билан «**Ҳой одамлар! Тинчланинглар, тинчланинглар!**» деб ишора қилдилар. Ҳар гал қумтепалардан бирига келганда туя унга чиқиб олиши учун (жиловни) бир оз бўш қўяр эдилар. Ниҳоят, Муздалифага* етиб келиб, у ерда бир азон ва икки иқома билан шом ва хуфтонни ўқидилар. Икковининг орасида ҳеч қандай нафл ўқимадилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тонг отгунча ёнбошладилар (ухладилар). У зотга субҳ кўрингач, азон ва иқома билан бомдодни ўқидилар. Кейин Қасвога миниб, Машъарул-ҳаромга келдилар. Қиблага қараб Аллоҳга дуо қилдилар, такбир, талбия ва тавҳид калималарини айтдилар. Кун ёришиб кетгунча туравердилар, сўнг қуёш чиқишидан олдин (Мино томон) йўлга тушдилар. Фазл ибн Аббосни мингаштириб олдилар. У чиройли сочли, оппоқ ва кўркам йигит эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлга тушганларида ёнларидан (кажавада) аёллар туяларни чоптириб, ўтиб қолишди. Фазл уларга қарай бошлаган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўллариини Фазлнинг юзига қўйдилар. Фазл яна қарамоқчи бўлиб юзини нариги томонга бурган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўллариини нариги тарафдан айлантириб, Фазлнинг юзига қўйдилар, унинг юзини бошқа тарафга қарашдан ҳам бурмоқчи бўлдилар. Ниҳоят, у зот Муҳассирнинг* ўртасига келганларида туяни бироз жонлантирдилар. Сўнгра Катта Жамрага* чиқадиган ўрта йўлдан юрдилар. Дарахт яқинидаги Жамрага* етиб келиб, хазф* тошларидек еттита тош отдилар. Ҳар тош отганда такбир айтардилар. Водийнинг ўртасидан туриб отиб, кейин қурбонлик жойига қараб кетдилар. Ўз қўллари

билан олтмиш учта туяни бўғизладилар. Кейин Алига бердилар, қолганларини у бўғизлади. У зот уни ўз ҳадийларига шерик қилдилар. Сўнгра буюрдилар, ҳар бир баданадан бир бўлакни қозонга солиб, пиширишди. Икковлари (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Али розияллоҳу анҳу) унинг гўштидан еб, шўрвасидан ичдилар. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уловга миниб, Байтни тавоф қилишга тушиб кетдилар. Пешинни Маккада ўқидилар. Сўнг бориб, замзам қуйиб бераётган Бану Абдулмутталибга: **«Сувни тортаверинглар, эй Бану Абдулмутталиб! Одамлар сиқоянгизни олиб қўйиши мумкин бўлмаганида, мен ҳам сизлар билан бирга сув тортган бўлар эдим»**, дедилар. Улар у зотга челақ узатишди, у зот ундан ичдилар». *(Муслим ривояти)*

- * **Қўлни тўққиз қилиб боғлагани** — Арабларда сонларни бармоқ билан ифодалаш усули бўлиб, ҳар бир рақамнинг ишораси ўзига хос бўлган. Масалан, тўққизни кўрсатиш учун бошмалдоқ билан кўрсаткич бармоқнинг учини бирлаштириб, қолган бармоқлар тик тутилади.
- * **Таглик қилиб олиш** — белбоғ бойлаб, унга икки оёқнинг ўртасидан мато тортиб, боғлаб олиш.
- * **Қасво** — Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туяларининг номи.
- * **Байдо** — аслида чўл-биёбон дегани бўлиб, бу ерда Мадинадан Маккага юришда Зулҳулайфадан кейин келадиган жой назарда тутилган.
- * **Таъвил** — бу ҳадисда бирор сўз ёки амалдан кўзланган махфий мақсадни сўзда ёки амалда изоҳлаб, кўрсатиб беришга айтилган.
- * **Тавҳид талбияси** — Набий алайҳиссалом ўргатган исломий талбия. У жоҳилият мушриклари қўшимча қилган ширк аралаш сўзлардан холи бўлгани учун шундай деб аталган.
- * **Одамларнинг талбияси** — улар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мазкур талбияларини айтиш билан бирга ўзлари ҳам айрим жумлаларни қўшимча қилишган. Бунга Умар ва ўғли Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо қўшимча қилган талбияни мисол қилиб келтириш мумкин. Аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг қўшимчаларини рад этмасалар-да, ўзларининг талбияларини ўзгартирмаганлар, қўшимча қилмаганлар. Шу боис, ула-

молар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг талби-
ялари билан кифояланиш афзал дейдилар.

- * **Истилом** — Каъбанинг рукнини ўпиш ёки қўл билан силаш. Бунинг имкони бўлмаса, истилом узоқдан туриб, имо-ишора билан ёки ҳасса каби нарсаларни теккизиб ҳам қилиниши мумкин.
- * **Рамл** — паҳлавончасига юриш. Унда оддий юриш билан югуриш ўртасида, елкаларни ҳаракатлантириб, илдамроқ юрилади.
- * **Иброҳим Мақоми** — Каъбанинг ёнидаги Иброҳим алайҳиссаломнинг оёқ излари сақланиб қолган жой назарда тутилади. Байтуллоҳни қуришда Иброҳим алайҳиссаломга бир тош узатилган, у зот ўша тош устида туриб, Каъбатуллоҳни қурганлар. Шунда ўша тошга оёқ излари тушиб қолган. Ана шу тош ҳозирда ҳам мавжуд. Мақоми Иброҳим — ана шу тош ва унинг атрофидир.
- * **Намира** — Арафотга туташ, аммо унинг ҳудудига кирмайдиган жой номи.
- * **Машъарул-ҳаром** — Муздалифа ҳудудининг охиридаги «Қузах» номли кичик тоғ номи. Машъарул-ҳаром деганда баъзан бутун Муздалифа ҳудуди ҳам назарда тутилади. Бирор нарсанинг «**оёқ остига ташланиши**» унинг бекор қилинганидир.
- * **«Сизлар мен ҳақимда сўраласизлар»** — мен рисолатни қандай етказганлигим ҳақида сизлардан гувоҳлик сўралади, дегани.
- * **Муздалифа** — Маккаи Мукаррамада, Арафот тоғи билан Мино оралиғида жойлашган, ҳаж амаллари бажариладиган муқаддас маконлардан бири, ялангликнинг номи.
- * **Муҳассир** — Мино билан Муздалифа ўртасидаги водийнинг номи.
- * **Жамра** — майда тош дегани бўлиб, ҳожилар отадиган тошлар ўша жойдан териб олинади. Мино водийсида тош отиладиган учта жой бор: Жамратул-кубро (Жамратул-ақаба ҳам дейилади), Жамратул-вусто, Жамратус-суғро. Яъни катта, ўрта ва кичик тош отиш жойлари.
- * **Дарахт яқинидаги Жамра** — Жамратул-Кубро назарда тутилган. Ўша пайтларда у ерда дарахт бўлган экан.
- * **Хазф** — бармоқлар орасига майдатош қўйиб, чертиб отиш. Мисол учун, кўрсаткич бармоқнинг қорнига тошни қўйиб,

бошбармоқ тирноғи билан итариб отиш. Бунинг учун фақат майда тош бўлиши керак. Ҳадисда шунга урғу бериляпти. Бундан катта тош отиш макруҳ.

ТАҲОРАТЛИ ҲОЛДА ТАВОФ ҚИЛИШ

92. Урва айтади: «Оиша розияллоҳу анҳо менга шундай хабар берди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам (Маккага) келганларида биринчи қилган ишлари таҳорат олиш бўлди. Кейин тавоф қилдилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

БАЙТНИ ЯЛАНҒОЧ КИШИ ТАВОФ ҚИЛМАСЛИГИ ВА МУШРИК ҲАЖ ҚИЛМАСЛИГИ ҲАҚИДА

93. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай хабар қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам видолашув ҳажидан олдинги, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни амир қилган ҳажда у киши уни (Абу Ҳурайрани) бир гуруҳ кишилар билан Қурбонлик куни одамларга: «Билиб қўйинглар, бу йилдан кейин мушрик ҳаж қилмайди, яланғоч киши Байтни тавоф қилмайди!» деб эълон қилишга юборди». (Бухорий ва Муслим ривояти)

ҲАЖАРУЛ АСВАДНИ ЎПИШ ҲАҚИДА

94. Обис ибн Робитъадан ривоят қилинади: «Умар розияллоҳу анҳу Ҳажарул асваднинг олдида келиб, уни ўпди-да: «Албатта, мен сенинг зарар ҳам, фойда ҳам бера олмайдиган бир тош эканингни биламан. Агар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сени ўпаётганларини кўрмаганимда, сени ҳаргиз ўпмас эдим», деди». (Бухорий ва Муслим ривояти)

95. Зубайр ибн Арабийдан ривоят қилинади: «Бир киши Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан тошни (Ҳажарул асвадни) истилом қилиш ҳақида сўраган эди, у: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уни (қўл билан) истилом қилаётганларини ва ўпаётганларини кўрганман», деди». (Бухорий ривояти)

96. Сувайд ибн Ғафаладан ривоят қилинади: «Умарнинг Ҳажарни ўпиб, уни қучиб олганини кўрдим. У: «Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг сенга лутф қилганларини кўрганман», деди». (Муслим ривояти)

97. Нофеъдан ривоят қилинади: «Ибн Умарнинг Ҳажарни қўли билан истилом қилиб, сўнгра қўлини ўпганини кўрдим. У: «Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай қилганларини кўрганимдан бери буни тарк қилмадим», деди». (Муслим ривояти)

РУКНИ ҲАССА БИЛАН ИСТИЛОМ ҚИЛИШ ЖОИЗЛИГИ ҲАҚИДА

98. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам Видолашув ҳажида туянинг устида тавоф этиб, рукни* миҳжан* билан истилом қилдилар — Бухорий ривоятида, «Ҳар гал рукнга келганларида ёнларидаги нарса билан унга ишора қилар ва такбир айтар эдилар» — (Бухорий ва Муслим ривояти)

* «Қора рукн» (Ҳажарул асвад) назарда тутилмоқда.

* **Миҳжан** — бир учи қайрилган, илмоқли ҳасса.

99. Абу Туфайл розияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг Байтни тавоф қилиб, рукни қўлларидаги миҳжан билан истилом қилиб, сўнг ўша миҳжанны ўпаётганларини кўрганман». (Муслим ривояти)

ҲАЖ ВА УМРАДА РАМЛ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

100. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам ҳаж ва умрада келишлари билан Байтни тавоф қилганларида уч марта югуриб, тўрт марта юриб тавоф қилардилар. Сўнг икки ракат намоз ўқиб, кейин Сафо билан Марвани тавоф (саъй) қилардилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

101. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳажардан Ҳажаргача уч марта рамл* қилдилар, тўрт марта одимладилар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

* **Рамл** — паҳлавончасига юриш. Унда оддий юриш билан югуриш ўртасида, елкаларни ҳаракатлантириб, илдамроқ юрилади.

Изоҳ: «Ҳажардан Ҳажаргача» дегани Ҳажарул-асваддан Ҳажарул-асвадгача, яъни тўлиқ бир айланиш деганидир.

РАМЛНИНГ БОШЛАНИШИ ҚАНДАЙ БЎЛГАН?

102. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалари билан (Маккага) келдилар. Мушриклар: «Олдингизга Ясриб иситмаси ҳолдан тойдирган бир вафд келяпти», дейишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уч айланишни рамл қилишга ва икки рукн орасида оддий юришга буюрдилар. Уларга ачинганлари учунгина айланишларнинг барчасини рамл қилишга буюрмадилар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

103. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Байтда ҳамда Сафо ва Марва орасида мушрикларга қувватларини кўрсатиш учунгина тез юрганлар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

УЛОВГА МИНГАН ҲОЛДА ТАВОФ ВА САЪЙ ҚИЛИШ ЖОИЗЛИГИ ҲАҚИДА

104. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга беморлигимдан шикоят қилдим. Шунда у зот: «**Уловга миниб, одамлар ортидан тавоф қил**», дедилар. Мен тавоф қилдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса Байтнинг ёнида «**Ват-Туури ва китаабин мастуурин**»ни қироат қилиб намоз ўқир эдилар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

105. Абу Туфайлдан ривоят қилинади: «Ибн Аббосга: «Айтинг-чи, Сафо билан Марвани улов миниб тавоф қилиш суннат-ми? Қавмингиз буни суннат деяпти», дедим. У: «Тўғри ҳам айтишибди, нотўғри ҳам айтишибди», деди. «Тўғри ҳам айтишибди, нотўғри ҳам айтишибди деганингиз нимаси?» дедим. У шундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг атрофларида одам кўпайиб кетди. Улар: «Ана Муҳаммад! Ана Муҳаммад!!!» дейишарди. Ҳатто бўй етган қизлар ҳам уйлардан чиқишди. Одамларнинг орасини ёриб, (йўл очиш учун) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдилари бўшатиб турилмас эди. Атрофларида одам кўпайиб кетгач, уловга миниб олдилар. (Лекин) пиёда юриш ва югуриш афзал». *(Муслим ривояти)*

106. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумо айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Видолашув ҳажида одамлар у зотни кўриб туриши ва савол сўраши учун юқорироқда бўлиш мақсадида Байтни ҳамда Сафо-Марвани уловнинг устида тавоф қилдилар. Одамлар у зотни ўраб олишган эди». *(Муслим ривояти)*

САФО ВА МАРВА ОРАСИДА САЪЙ ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ ҲАДИСЛАР

107. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «У зот Сафо ва Марва орасида саъй қилганларида Батнул-масилда* тезлар эдилар». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

* **Батнул-масил** — «Ўзан ўртаси» дегани бўлиб, бу ерда Сафо билан Марва орасидаги маълум жой назарда тутилган. Бу ҳудуд ҳозир яшил чироқлар билан белгилаб қўйилган.

108. Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Ансорлар ва Ғассон қабиласи Исломига киришдан олдин Манотга* деб эҳром боғлашарди. Шунинг учун Сафо билан Марва орасида саъй қилишга кўнгиллари бўлмади. Бу уларнинг ота-боболаридан қолган одат эди. Ким Манотга деб эҳром боғласа, Сафо билан Марва орасида саъй қилмас эди. Улар мусулмон бўлишгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу ҳақда сўрашган эди, Аллоҳ азза ва жалла:

﴿إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَائِرِ اللَّهِ فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ اعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ يَطَّوَّفَ بِهِمَا وَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا فَإِنَّ اللَّهَ شَاكِرٌ عَلِيمٌ﴾

«Сафо ва Марва Аллоҳнинг шиорларидандир. Ким Байт-ни ҳаж ёки умра қилса, бу иккови ўртасида саъй қилишида унга гуноҳ йўқ. Ким яхшиликни ўз ихтиёри ила қилса, албатта, Аллоҳ кўп савоб берувчидир, билувчидир» (Бақара сураси, 158-оят)ни нозил қилди». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Манот** — бут номи.

ЭҲРОМДАН ЧИҚИШ УЧУН СОЧНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА ҚИРИШ

109. Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг бир гуруҳ асҳоблари сочларини олдиришди, баъзилари эса қисқартиришди». (Бухорий ва Муслим ривояти)

110. Нофеъ Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳим, соч олдирганларга раҳм қил!»** дедилар. «Қисқартирганларга ҳам, эй Аллоҳнинг Расули!» дейишди. **«Аллоҳим, соч олдирганларга раҳм қил!»** дедилар. «Қисқартирганларга ҳам, эй Аллоҳнинг Расули!» дейишди. **«Қисқартирганларга ҳам»**, дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

111. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳим, сочини қирдирганларни мағфират қилгин!»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, қисқартирганларни ҳам!» дейишди. **«Аллоҳим, сочини қирдирганларни мағфират қилгин!»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, қисқартирганларни ҳам (дуо қилинг)!» дейишди. **«Аллоҳим, сочини қирдирганларни мағфират қилгин!»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, қисқартирганларни ҳам!» дейишган эди, **«Қисқартирганларни ҳам»**, дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

112. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жамрага тош отиб

бўлгач, қурбонликларини сўйдилар ва сочларини қирдирдилар. Сартарошга ўнг томонларини тутдилар, у ўша томонни қирди. Сўнг Абу Талҳа Ансорийни чақириб, уларни (сочни) унга бердилар. Сўнгра чап томонларини тутиб, «**Қир**», дедилар, (сартарош) уни ҳам қирди. Уни ҳам Абу Талҳага бериб, — **Муслимнинг ривоятида «Уни Умму Саламага бериб...» дейилган** — «**Буни одамларга тақсимлаб бер**», дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

113. Муовия ибн Абу Суфён айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Марвада эдилар, (мен сочларини) энли пайкон билан қисқартирганман». (Бухорий ва Муслим ривояти)

(ҲОЖИ) ТАРВИЯ КУНИ ПЕШИН НАМОЗИНИ ҚАЕРДА ЎҚИЙДИ?

114. Абдулазиз ибн Руфайъдан ривоят қилинади: «Анас ибн Моликка «Менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан билиб олган нарсангизни айтиб беринг, тарвия куни пешинни қаерда ўқиганлар?» дедим. «Минода», деди. «Нафр куни* асрни қаерда ўқиганлар?» дедим. У: «Абтаҳда»*, деди. Сўнг: «Сен амирларнинг қилганини қилавер», деди». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Нафр куни** — қайтиш куни дегани бўлиб, зулҳижжанинг ўн икки ва ўн учинчи кунлари, яъни ҳожилар Минодан Маккага қайтиб тушадиган кундир.

* **Абтаҳ** — «Батҳо» ёки «Муҳассаб» дейилади. Макка ва Мино орасидаги жой.

АРАФА КУНИ МИНОДАН АРАФОТГА КЕТАЁТГАН ПАЙТДА ТАЛБИЯ ВА ТАКБИР АЙТИШ ҲАҚИДА

115. Муҳаммад ибн Абу Бакр Сақафийдан ривоят қилинади: «Анас ибн Молик икковимиз наҳорда Минодан Арафотга кетаётган эдик. «Мана шу куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга нима қилар эдинглар?» дедим. Шунда у: «Талбия айтаётганларимиз талбия айтарди, уларга ҳеч ким эътироз қилмасди. Такбир айтаётганларимиз такбир айтарди, уларга

ҳам ҳеч ким эътироз қилмасди», деди». (Бухорий ва Муслим ривояти)

АРАФА КУНИНИНГ ФАЗЛИ ХУСУСИДА

116. Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Арафа куничалик Аллоҳ бандаларни дўзахдан кўп озод қиладиган кун йўқ. У Зот (Арафа куни Арафотдагиларга) яқинлашади ва улар билан фахрланиб, фаришталарга! «Булар нимани исташяпти?» дейди».** (Муслим ривояти)

АРАФА КУНИ КУН ҚИЗИГАНДА ЮРИШ ҲАҚИДА

117. Солимдан ривоят қилинади: «Абдулмалик Ҳажжожга ҳажда Ибн Умар розияллоҳу анҳумога хилоф қилмасликни айтиб, хат ёзди. Ибн Умар розияллоҳу анҳумо арафа куни қуёш заволга кетган пайтда келди. Мен у киши билан бирга эдим. Шунда у Ҳажжожнинг саробурдаси* олдида қичқирди. У эғнида сариққа бўялган кенг изори билан чиқиб: «Эй Абу Абдурраҳмон, сенга нима бўлди?» деди. У киши: «Агар суннатни ирода қилсанг, йўлга туш», деди. У: «Шу пайтда-я?» деди. У киши: «Ҳа», деди. У: «Унда менга бироз вақт бер, бошимдан сув қуйиб олиб, кейин чиқай», деди. У киши Ҳажжож чиққунича пастга тушиб турди. Кейин у (Ҳажжож) отам билан менинг ўртамизда юриб кетди. Шунда мен: «Агар суннатни ирода қилсанг, хутбани қисқа қилиб, вуқуфни тезлаштир», дедим. У Абдуллоҳга қарай бошлади. Абдуллоҳ буни кўргач: «Рост айтди», деди». (Бухорий ривояти)

* **Саробурда** — чодирнинг атрофини ўраб турадиган қурилма. Унинг эшиги бўлиб, чодирга у орқали кирилади. У асосан подшоҳлар, саркардалар ва зодагонларда бўлган.

АРАФОТДА ВУҚУФ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

118. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Қурайш ва унинг динини тутадиганлар вуқуфни Муздалифада қилишар эди. Уларни аҳмаслар* дейишарди. Бошқа араблар эса Арафотда

вуқуф қилишар эди. Ислом келгач, Аллоҳ азза ва жалла Ўз Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламни Арафотга бориб, ўша ерда вуқуф қилиб, сўнг ундан тушиб келишга буюрди. У Зот азза ва жалланинг:

﴿ثُمَّ أَفِيضُوا مِنْ حَيْثُ أَفَاضَ النَّاسُ وَاسْتَغْفِرُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

«Сўнгра одамлар қайтиб тушган жойдан тушинглар»
(Бақара сураси, 199-оят) дегани мана шудир». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Аҳмас** — (кўплиги «ҳумс») сўзи бу ерда «диний удумларга қаттиқ берилган» деган маънони билдиради. Қурайш қабиласи араблар ичида диний раҳнамо ўлароқ, турли диний урф-одатларни пайдо қилиб, уларга қатъий риоя қилгани учун шу лақабни олган.

119. Жубайр ибн Мутъим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Туямни йўқотиб қўйдим. Арафа куни уни қидириб юрган эдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одамлар билан Арафотда вуқуф қилиб турганларини кўрдим. Шунда мен: «Аллоҳга қасам, бу одам аҳмаслардан эди. Лекин бу ерда нима қилиб турибди?» дедим». (Бухорий ва Муслим ривояти)

НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ АРАФОТДАН МУЗДАЛИФАГА ҲОТИРЖАМЛИК ИЛА ҚАЙТИБ ТУШИШГА БУЮРГАНЛАРИ ҲАҚИДА

120. Ҳишом отасидан ривоят қилади: «Усомадан сўрашди, бунга ўзим гувоҳман [ёки «Усома ибн Зайддан сўрадим», деган]. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Арафотдан мингаштириб олган эдилар. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Арафотдан тушиб келган пайтлари қандай юрганлар?» дедим. У: «(Туяни) лўкиллашиб юрардилар, очик жой чиқса, йўрттирардилар», деди». (Бухорий ва Муслим ривояти)

121. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо бундай сўзлаб берди: «У арафа куни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга

қайтган экан. Ўшанда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам орқаларида (туякашларнинг) туяларга қаттиқ бақир-чақири, ур-сури, шовқин-суронини эшитиб, одамларга қамчилари билан ишора қилиб: «**Эй одамлар, ўзингизни сокин тутинг, чунки яхшилик тезлатишда эмас!**» деган эканлар». (*Бухорий ривояти*)

122. Фазл ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан мингашиб олган эдим. У зот Арафот куни кечқурун ва Жамъ куни эрталаб одамлар кетаётган пайтда туяларини (тез юришдан) тутиб туриб, уларга: «**Оҳиста юринглار**», дедилар. Ниҳоят, Муҳассирга — у ҳам Минонинг бир қисми — кириб борганда: «**Жамрада отиладиган хазф тошларини* олволинглар**», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам то Жамрада тош отгунларича талбия айтиб бордилар». (*Муслим ривояти*)

* **Хазф тошлари** — Жамаротда отиладиган майда тошлар.

МУЗДАЛИФА КЕЧАСИДА ТАЛБИЯ АЙТИШ МУСТАҲАБЛИГИ ҲАҚИДА

123. Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу айтади: «Жамъдалигимизда Бақара сураси нозил қилинган зотнинг мана шу мақомда «**Лаббайкаллоҳумма лаббайк**» деганларини эшитганман». (*Муслим ривояти*)

Изоҳ: «Бақара сураси нозил қилинган зот» Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. Айнан ушбу сурани хослаб таъкидлаш унда асосан ҳажга доир ҳукмлар баён қилингани ва унинг бир қисми ушбу мавсумда, ҳаж заминидан нозил қилингани учун. Набий алайҳиссалом бу ҳукмларни амалда кўрсатиб берганлари учун ҳам бу ерда шунга урғу берилляпти.

МУЗДАЛИФАДА ИККИ НАМОЗНИ ЖАМЛАШ ҲАҚИДА

124. Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Арафотдан қайтдилар. Дарага келганда тушиб, бавл қилдилар, сўнг таҳорат қилдилар, лекин таҳоратни тўлиқ қилмадилар. Шунда у

зотга: «Намозгами?» деган эдим, «**Намозга ҳали бор**», дедиларда, уловга миндилар. Кейин Муздалифага келгач, тушиб, тўлиқ таҳорат қилдилар. Кейин намозга иқома айтилган эди, шомни ўқидилар. Кейин ҳар ким туясини ўзи тушган жойга чўктирди. Сўнгра хуфтонга иқома айтилди, у зот уни ҳам ўқидилар. Бу иккисининг орасида ҳеч қандай намоз ўқимадилар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

Изоҳ: Уламолар «Таҳоратни тўлиқ қилмадилар» деган жумлани таҳорат амалларини бир мартадан қилдилар ёки фақат юз-қўлларини ювдилар деб шарҳ қилишган.

125. Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Умар айтади: «Отам менга шундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жамъда* шом билан хуфтонни жамладилар. Уларнинг орасида ҳеч қандай намоз ўқилмади. — **Бухорийнинг ривоятида** «Иккисининг орасида ҳам, уларнинг ҳар биридан кейин ҳам нафл намоз ўқимадилар», **деб қўшимча қилинган** — Шомни уч ракат, хуфтонни эса икки ракат ўқидилар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

* **Жамъ** — Муздалифа. Бу ер ҳожилар жамланадиган жой бўлгани учун шундай аталган.

БОМДОДНИ ЖАМЪДА ЎҚИШ ҲАҚИДА

126. Абдуллоҳ (ибн Масъуд) розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки намоздан бошқа намозни ўз вақтидан бошқа пайтда ўқиганларини кўрмадим: шом билан хуфтонни жамладилар ва бомдодни (одатдаги) вақтидан олдин ўқидилар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

**АЁЛЛАР ВА УЛАРДАН БОШҚА ЗАИФЛАРНИ
МУЗДАЛИФАДАН МИНОГА КЕЧАНИНГ ОХИРИДА,
ОДАМЛАР ТИРБАНД БЎЛИШИДАН ОЛДИНРОҚ ҚАЙТАРИБ
ЮБОРИШ МУСТАҲАБЛИГИ, УЛАРДАН БОШҚАЛАРГА
ЭСА МУЗДАЛИФАДА БОМДОД НАМОЗИНИ ЎҚИГУНЧА
ҚОЛИШ МУСТАҲАБЛИГИ ҲАҚИДА**

127. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Савда Муздалифа кечаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан у зотдан олдинроқ, одамлар тирбанд бўлишидан аввалроқ қайтишга изн сўради. У оғиркарвон* аёл эди. У зот унга изн бердилар. У (у зот) қайтмасларидан олдин чиқиб кетди. Бизни эса ушлаб қолдилар. Ниҳоят, тонг отиб, у зот қайтганларида қайтдик». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

* **Оғиркарвон** — «тўладан келган», дегани.

128. Асмонинг мавлоси Абдуллоҳдан ривоят қилинади: «Асмо Жамъ кечаси Муздалифага тушди ва намоз ўқишга туриб, бир муддат намоз ўқиди. Кейин: «Эй ўғилчам, ой ғойиб бўлибдими?» деди. Мен: «Йўқ», дедим. У яна бир муддат намоз ўқиди. Кейин: «Ой ғойиб бўлибдими?» деди. Мен: «Ҳа», дедим. У: «Унда йўлга тушинглар», деди. Биз йўлга тушдик ва юриб кетавердик. Ниҳоят, у жамрага* тош отди. Сўнг қайтиб келиб, бомдодни ўз манзилида ўқиди. Шунда мен унга: «Ҳой, эрта юриб қўйдигов?» дедим. У: «Эй ўғилчам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларга рухсат берганлар», деди». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

* **Жамра** — тош отиш жойи дегани. Мино водийсида шайтонга тош отиладиган учта жой бор. Биринчиси Жамратул-кубро — катта тош отиш жойи, иккинчиси Жамратул-вусто — ўрта тош отиш жойи, учинчиси Жамратус-суғро — кичик тош отиш жойи.

129. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Жамъдан саҳарда Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юклари билан жўнатдилар», деди». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

МУЗДАЛИФАДАН ҚАЧОН ҚАЙТИЛАДИ?

130. Умар розияллоҳу анҳу деди: «Мушриклар қуёш нури Сабир* устига тушмагунча Жамъдан қайтиб тушишмас эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга хилоф қилиб, қуёш чиқишидан олдин қайтиб тушдилар». *(Бухорий ривояти)*

***Сабир** — Муздалифадан Минога қараб юрганда чап томондаги катта тоғ.

ТАЛБИЯ ҚАЧОНГАЧА АЙТИЛАДИ?

131. Фазл ибн Аббосдан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ақаба тошини отгунча тўхтамай талбия айтдилар». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

ТОШ ОТИШ

132 Абдурраҳмон ибн Язид шундай сўзлаб берган: «Абдуллоҳ ибн Масъуд билан бирга эдим, у Жамратул ақабага келиб, водийнинг ўртасига тушиб, унга кўндаланг турдида, водийнинг ичидан туриб унга еттита майда тош отди. Ҳар тош отганда такбир айтар эди. Мен: «Эй Абу Абдурраҳмон, одамлар унга (тошни Ақабанинг) юқорисидан отишадикун?» дедим. У: «Ўзидан ўзга илоҳ йўқ Зотга қасамки, бу — Бақара сураси нозил қилинган зот турган жойдир», деди». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

133. Ибн Умар розияллоҳу анҳумо: «Биз вақтни кутиб турардик, қуёш заволдан оғса, тошни отар эдик», деди». *(Бухорий ривояти)*

ТОШ ОТИЛАДИГАН МУСТАҲАБ ВАҚТНИНГ БАЁНИ

134. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жамрага (Жамратул-ақабага) Наҳр куни чошгоҳ пайтида, кейинги кунларда эса қуёш оққандан сўнг тош отдилар». *(Муслим ривояти)*

ТОШ ОТИШ УЧУН ТУРИШ КАЙФИЯТИ ҲАҚИДА

135. Солим ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: «Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо энг яқин жамрага еттита майда тош отар, сўнг ҳар бир тошнинг кетидан такбир айтар эди. Кейин олдинга ўтиб, текис ерга тушар, қиблага юзланган ҳолда узоқ туриб дуо қилар ва икки қўлини кўтарар эди. Кейин ўрта жамрага ҳам худди шундай тош отар эди. Чап томонга ўтиб, текис ерга тушар, қиблага юзланган ҳолда узоқ туриб дуо қилар ва икки қўлини кўтарар эди. Сўнг водийнинг ичидан Ақабадаги жамрага тош отар ва унда тўхтамас эди ҳамда «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мана шундай қилганларини кўрганман», дер эди». *(Бухорий ривояти)*

УЛОВДА ТУРИБ ТОШ ОТИШ ҲАҚИДА

136. Жобир розияллоҳу анҳу айтади: «Наҳр куни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Ҳаж амалларингизни ўрганиб олинглар, чунки мен билмайман, эҳтимол, шу ҳажимдан кейин ҳаж қилмасман»** деб, уловларида туриб тош отаётганларини кўрганман». *(Муслим ривояти)*

137. Яҳё ибн Ҳусойннинг бувиси Умму Ҳусойн розияллоҳу анҳодан ривоят қилади: «Видолашув ҳажида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ҳаж қилдим. У зотни Жамратул ақабага тош отиб, уловларида қайтган пайтларида кўрдим. Билол билан Усома ҳам бирга эди. Бири уловларини етаклаб борар, бошқаси кийимини кўтариб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

васалламнинг бошларини қуёшдан тўсиб олган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўп гапларни айтдилар. Кейин у зотнинг «**Агар сизларга аъзолари кесиб ташланган қул — (Ровий айтади) «Менимча, «қора» ҳам деганлар» — бошлиқ қилиб қўйилса ва у сизларни Аллоҳ таолонинг Китоби билан бошқарса, унга қулоқ солинглари ва итоат қилинглари**», деганларини эшитдим». (Муслим ривояти)

ЖАМАРОТГА ОТИЛАДИГАН ТОШЛАР ЕТТИТА БЎЛИШИНING БАЁНИ

138. Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Истижмор тоқдир, Жамаротга тош отиш ҳам тоқдир, Сафо билан Марва орасида саъй қилиш ҳам тоқдир, тавоф ҳам тоқдир. Қай бирингиз истижмор* қилса, тоқ қилсин**». (Муслим ривояти)

* **Истижмор** — қазои ҳожатда тош ёки кесак билан тозаланиш.

БИЛМАСДАН ЁКИ УНУТИБ КЕЧ КИРГАНДАН КЕЙИН ТОШ ОТСА...

139. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўралди. Биров: «Мен кеч киргандан кейин тош отибман», деди. Шунда у зот: «**Ҳечқиси йўқ**», дедилар». (Бухорий ривояти)

ҲОЖИЛАРГА СУВ УЛАШИШ ҲАҚИДА

140. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сув улашиладиган жойга келиб, сув сўраган эдилар, Аббос: «Эй Фазл, онангга бориб, унинг ҳузуридан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бирор ичимлик олиб кел», деди. Шунда у зот: «**Менга сув бер**», дедилар. У: «Эй Аллоҳнинг Расули, улар бунга қўлларини солишади», деди. У зот яна: «**Менга сув бер**», дедилар ва ундан

ичдилар. Кейин Замзам (қудуғи)га келдилар. Улар (яъни Абдулмуттолибнинг авлодлари) у ерда сув улашиб, ишлаётган эдилар. У зот: «**Ишлайверинглар! Чунки сизлар солиҳ амал қиляпсиз**», дедилар. Сўнгра: «**Агар енгилиб қолишингиз* бўлмаганида, албатта, тушиб арқонни мана бунга — гарданларини назарда тутмоқдалар — қўйган бўлар эдим**» деб, гарданларига ишора қилдилар». (*Бухорий ривояти*)

Изоҳ: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «енгилиб қолиш» деганда нимани назарда тутганлари ҳақида турлича фикрлар бор. Жумладан, «Мен тушсам, одамлар ҳам менга эргашиб, Замзам тортишга тушиб кетишади. Натижада одам кўпайиб, сизларга иш тегмай қолади» деган маънода айтган бўлишлари мумкин, чунки бу шарафли вазифани фақат Абдулмуттолибнинг авлоди бажарар эди. Шунингдек, бу гаплари «Сизлар мени сув тортишга қўймайсизлар, мен сизлар истамаган ишни қилсам, сизлардан устун келган бўлиб қоламан, сизлар мағлуб саналиб қоласизлар» ёки «Агар мен тушиб, сув тортсам, бу иш сизлар учун таъкидланган суннатга айланиб қолиши мумкин, кейин сиз уни бажаришга қийналиб қоласиз» деган маънода ҳам айтилган бўлиши мумкин.

141. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уловларида келганлар. Ортларида Усома мингашиб олган эди. У зот сув сўраган эдилар, у зотга бир идишда набиз узатдик. У зот ичдилар, сўнг ортганини Усомага узатиб, «**Яхши қилдингиз, гўзал қилдингиз. Шундай қилаверинглар!**» дедилар...». (*Муслим ривояти*)

ТАВОФИ ИФОЗАНИ НАҲР КУНИ ҚИЛИШ МУСТАҲБЛИГИ ҲАҚИДА

142. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Наҳр куни тавофи ифоза қилдилар. Сўнг қайтиб, пешинни Минода ўқидилар». (*Муслим ривояти*)

МИНОНИНГ ҲАММА ЖОЙИ СЎЙИШ ЖОЙИ ЭКАНИ ҲАҚИДА

143. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Мен мана бу ерда сўйдим, лекин Минонинг ҳаммаси сўйиш жойидир. Тўхтаган жойларингизда ҳам сўяверинглар. Мен мана бу ерда вуқуф қилдим, лекин Арафотнинг ҳамма жойи мавқифдир*. Мен мана бу ерда вуқуф қилдим, лекин Жамънинг* ҳамма жойи мавқифдир**». (Муслим ривояти)

* **Мавқиф** — туриш жойи дегани бўлиб, Арафа куни туриш учун белгиланган, Арафот тоғи ва унинг атрофидан бир қисмини ўз ичига олган ҳудуд.

* **Жамъ** — Муздалифа. Бу ер ҳожилар жамланадиган жой бўлгани учун шундай аталган.

БАДАННИ ТУШОВЛАНГАН ҲОЛИДА БЎҒИЗЛАШ ҲАҚИДА

144. Зиёд ибн Жубайрдан ривоят қилинади: «Ибн Умар бада-насини чўктириб қўйиб бўғизлаётган кишининг олдига келиб, «Уни тушовланган ҳолида тик турғизиб сўй, Набийнингизнинг суннатига мувофиқ», деди». (Бухорий ва Муслим ривояти)

БАДАННИ ТИК ТУРГАН ҲОЛИДА БЎҒИЗЛАШ ҲАҚИДА

145. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз қўллари билан еттита баданани* турғизиб сўйдилар». (Бухорий ривояти)

* **Бадана** — Ҳарамда қурбонликка аталган туя (ҳанафий мазҳабида қорамол ҳам). Бу сўзнинг луғавий маъноси «семиз», «бўлиқ»дир. Араблар семирган, етилган туя-молларни сўйиб, ҳадий қилганлари учун бу қурбонликларини «бада-

на» деб номлашган. Аммо қурбонликка аталган қўй-эчкилар бадана дейилмайди.

ҲАДИЙНИНГ ГЎШТЛАРИ, ТЕРИЛАРИ ВА ТЎҚИМЛАРИНИ САДАҚА ҚИЛИШ ҲАҚИДА

146. Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга у зотнинг баданаларига масъул бўлишимни, уларнинг гўштлари, терилари ва тўқимларини садақа қилишни, аммо улардан қассобга бермасликни буюрдилар ҳамда: **«Биз унга ўз ёнимиздан берамиз»**, дедилар». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

МОЛ СЎЙИШ ЖОИЗЛИГИ ҲАҚИДА

147. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Наҳр куни Оишанинг номидан битта сигир сўйдилар». *(Муслим ривояти)*

ҲАДИЙДА ШЕРИК БЎЛИШ ЖОИЗЛИГИ ҲАҚИДА

148. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ҳаж қилдик. Туяни ҳам етти киши, молни ҳам етти киши номидан сўйдик». *(Муслим ривояти)*

СОЧИНИ ЖОНЛИҚ БЎҒИЗЛАШДАН ОЛДИН ҚИРДИРИБ ҚЎЙГАН ЁКИ ТОШ ОТИШДАН ОЛДИН ЖОНЛИҚ БЎҒИЗЛАБ ҚЎЙГАН КИШИ ҲАҚИДА

149. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Видолашув ҳажида Минода одамлар савол берсин деб (атайлаб тўхтаб) турдилар. Бир киши келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, билмай, жонлиқ бўғизлашдан олдин сочимни қирдириб қўйибман», деди. **«Сўявер, танглик йўқ»**, дедилар. Кейин бошқа бир киши келиб,

«Эй Аллоҳнинг Расули, билмай, тош отишдан олдин жонлиқ бўғизлаб қўйибман», деди. «**Отавер, танглик йўқ**», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўша кунин олдин ёки кейин қилиб қўйилган қандай амал ҳақида сўралса ҳам, фақат «**Қилавер, танглик йўқ**», деявердилар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

ТАШРИҚ КУНЛАРИДА КЕЧАСИ МИНОДА ТУНАШ ВОЖИБЛИГИ ВА АҲЛИ СИҚОЯГА УНИ ТАРК ЭТИШГА РУХСАТ БЕРИЛГАНИ ҲАҚИДА

150. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Аббос ибн Абдулмутталиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Мино кечаларида сиқоя* учун Маккада тунашга изн сўради. У зот унга изн бердилар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

* **Сиқоя** — «суғориш» деган маънони англатиб, ҳожиларга сув етказиб беришни англатади. Ҳозирги кунгача ҳам сиқоя билан Аббос ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анҳунинг авлодлари шуғулланишади.

ВИДОЛАШУВ ТАВОФИНИНГ ВОЖИБЛИГИ ҲАҚИДА

151. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Одамларга охирги қиладиган амаллари Байт (тавофи) бўлиши буюрилди. Бу фақат ҳайзли аёлга енгиллаштирилди». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

152. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу шундай сўзлаб берди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам пешин, аср, шом ва хуфтонини ўқидилар. Кейин Муҳассаба* биров мизғиб олдилар. Сўнгра Байтга улов миниб бориб, уни тавоф қилдилар». (*Бухорий ривояти*)

* **Муҳассаба** — Макка билан Мино орасидаги водийнинг номи бўлиб, луғатда «майда тошлар тўпланган жой» деган маънони билдиради. Бу ерга сел сабабли майда тошлар йиғилиб қолгани учун шу номни олган. Ҳожилар ҳаж амалларини тугатиб, Минодан қайтишда ўша ерда тунаб қолишади.

ВИДОЛАШУВ ТАВОФИ ҲАЙЗЛИ АЁЛДАН СОҚИТ БЎЛИШИ ҲАҚИДА

153. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Сафийя нафр кечаси* ҳайз кўриб қолди ва: «Сизларни ушлаб қоламан шекилли», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ақро-ҳалқо!»** **У қурбонлик куни тавоф қилганмиди?»** дедилар. «Ҳа», дейилди. **«Ундай бўлса, қайтавер»**, дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Охирги нафр куни** — зулҳижжа ойининг ўн учинчи куни. «Нафр куни» қайтиш куни демакдир. Ҳожилар шу кунлари Минодан Маккага қайтишади. Ўн иккинчи кун «биринчи нафр» дейилади.

* **Ақро-ҳалқо!** — «Ҳалқо-ақро!» шаклида ҳам келади, бу ибора арабларда койиш маъносида ишлатиладиган сўзлардандир. «Ақро» — «бўғзидан сўйилгур» дегани, «ҳалқо» эса икки хил маънони билдиради: биринчиси «сочи қирилгур», иккинчиси «бўғзидан бўғилгур». Аммо бу ибора арабларда ўзининг асл маъносида, яъни дуоибад сифатида айтилмай, оддий койиш маъносида ишлатиладиган бўлиб кетган. Бу ўзбек тилидаги «тушмагур», «ўлмагур» деган сўзларга тўғри келади.

ҲАЖ ЁКИ УМРА ҚИЛУВЧИ УШЛАНИБ ҚОЛСА...

154. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтади: «Дарҳақиқат, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (умрадан) ушланиб қолдилар. Шунда у зот сочларини олдирдилар, аёлларига яқинлик қилдилар, ҳадийларини сўйдилар ва келаси йили умра қилдилар». (Бухорий ривояти)

155. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умра қилгани йўлга чиқдилар. Қурайш кофирлари у зот билан Каъбанинг ўртасини тўсиб қўйишди. Шунда у зот ҳадийларини Ҳудайбияда* сўйиб,

сочларини олдирдилар. Сўнг улар (мушриклар) билан келгуси йили қурол кўтармаган ҳолда, фақат қилич билан келиб умра қилишга, у ерда фақат улар истаганча туришга келишдилар. Келгуси йили умра қилдилар. У ерга улар билан келишилгандек кирдилар. У ерда уч кун тургач, (мушриклар) чиқиб кетишларини буюришди. Шунда у зот чиқиб кетдилар». (Бухорий ривояти)

* **Худайбия** — Макка шимоли-ғарбида, Макка ва Жудда орасида, Маккадан 20 км. узоқликда жойлашган жой.

ҲАЖ МАВСУМЛАРИДА ТИЖОРАТ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

156. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Укоз,* Мажанна* ва Зулмажоз* жоҳилият давридаги бозорлар эди. Кейинроқ эса мавсумларда тижорат қилишни гуноҳ санашди. Шунда:

﴿لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَبْتَغُوا فَضْلًا مِنْ رَبِّكُمْ﴾

«Сизга ўз Раббингиздан — ҳаж мавсумларида — фазл исташингизда гуноҳ йўқ» (Бақара сураси, 198-оят) нозил бўлди». (Бухорий ривояти)

* **Укоз** — Тоифнинг шимоли-шарқида, у ердан 35 км. узоқликда жойлашган.

* **Мажанна** — Макка ва Жудда орасида жойлашган. Ҳозир «Баҳро» номи билан танилган.

* **Зулмажоз** — Арафот шимолида, у ердан 8 км. узоқликда жойлашган.

Изоҳ: Ибн Аббос розияллоҳу анҳу «Раббингиздан фазл исташингизда сизга гуноҳ йўқ» оятининг ҳаж мавсумларига тегишли эканини таъкидламоқда. У киши «ҳаж мавсумларида» деган жумлани оятга қўшиб ҳам ўқиган.

НАФР КУНИ МУҲАССАБГА ТУШИБ, У ЕРДА НАМОЗ ЎҚИШНИНГ МУСТАҲАБЛИГИ ҲАҚИДА

157. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Абтоҳга тушиш суннат эмас. Бироқ у Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чиқиб кетишга қулай бўлиши учун тушадиган жойлари бўлган, холос». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

158. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Қурбонлик куни эрталаб Минода туриб: **«Биз эртага Бану Кинона тоғи ёнбағрига, улар куфрга қасам ичган жойга тушамиз»**, дедилар. Бу билан Муҳассабни назарда тутдилар». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

159. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, Абу Бакр ва Умар ҳам Абтаҳга тушишар эди». *(Муслим ривояти)*

160. Абу Рофеъ розияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Минодан чиққанларида менга Абтаҳга тушишни буюрмаган эдилар. Лекин мен келиб, у ерга қапа* тиккан эдим, у зот келиб, у ерда тўхтадилар». *(Муслим ривояти)*

* **Капа** — вақтинча яшаш учун ўрнатиладиган чодир.

ҲАЖ ЁКИ УМРА ЁЎУД ҒАЗОТДАН ҚАЙТГАНДА НИМА ДЕЙИЛИШИ ҲАҚИДА

161. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирон ғазотдан ё ҳаждан ёки умрадан қайтганларида ҳар тепаликда уч бор такбир айтар, сўнг: **«Лаа илааҳа иллоллоҳу ваҳдаҳ, лаа шарика лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува Ўалаа кулли шайъин қодир. Айибуна, таибуна, Ўабидуна, сажидуна, лироббина ҳамидуна. Содақоллоҳу ваъдаҳ, ванаसоро Ўабдаҳ ва ҳазамал аҳзаба ваҳдаҳ»**,* дер эдилар». *(Бухорий ва Муслим ривояти)*

Дуонинг маъноси: «Ёлғиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Унинг шериги ҳам йўқ. Мулк Уникидир ва ҳамд ҳам Унга хосдир. У ҳар бир нарсага қодирдир. (Бизлар) қайтувчилармиз, тавба қилувчилармиз, ибодат қилувчилармиз, сажда қилувчилармиз ва Раббимизга ҳамд айтувчилармиз. Аллоҳ Ўз ваъдасида содиқ бўлди, бандасига нусрат берди ҳамда ёлғиз Ўзи гуруҳларни мағлуб қилди».

162. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади: «Абу Талҳа иккимиз Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга келдик. Сафийя у зотнинг туяларига мингашиб олган эди. Мадина сарҳадига етганимизда у зот: «**Аайибууна, тааибууна, ʼаабидууна, лироббинаа ҳаамидуун**», дедилар. Мадинага кириб келгунча шуни айтиб келдилар». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

КАЪБАНИНГ ИЧИДА НАМОЗ ЎҚИШ МУСТАҲАБЛИГИ ҲАҚИДА

163. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Фатҳ йили Усомани мингаштириб, Қасвода* кириб келдилар. Билол билан Усмон ибн Талҳа ҳам бирга эди. Ниҳоят, Байтнинг олдида туяни чўктирдилар. Кейин Усмонга: «**Бизга калитни олиб кел**», дедилар. У калитни олиб келиб, у зотга эшикни очиб берди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам, Усома, Билол ва Усмон киришди. Кейин устиларидан эшикни беркитишди. У зот анча вақт қолиб кетиб, кейин чиқдилар. Одамлар киришга ошиқишди. Мен улардан олдинга ўтиб кетдим. Билолнинг эшик орқасида турганини кўрдим. Унга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қаерда намоз ўқидилар?» дедим. У: «Мана бу олдинги икки устун ўртасида», деди. Байтнинг икки қатор қилиб терилган олтита устуни бор эди. У зот олдинги қатордаги икки устун орасида, Байтнинг эшигига орқа қилиб, юзларини эшикдан кирганинга рўпарангга қаратиб, у (эшик) билан девор ўртасида (девордан уч зироъ* берида) ўқибдилар. Аммо қанча намоз ўқиганларини ундан сўрашни унутибман. У зот намоз ўқиган жойда қизил мармар ҳам бор эди». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

* **Қасво** — Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туялари.

* **Зироъ** — қадимги узунлик ўлчовларидан бўлиб, ўрта бўйли одамнинг тирсагидан бармоқ учигача бўлган оралиққа қиёсан олинган. Зироъ бугунги ўлчовда 46,2 см. га тўғри келади.

КАЪБАДАГИ НАМОЗГОҲ ҲАҚИДА

164. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Байтга кирганларида, унинг ҳамма тарафида дуо қилдилар. Ундан чиққунларича намоз ўқимадилар. Чиққанларидан кейин Каъбанинг рўпарасида икки ракат намоз ўқидилар ва: **«Мана шу қибладир»**, дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

ҲИЖР ИСМОИЛДА НАМОЗ ЎҚИШ ҲАҚИДА

165. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан деворча* ҳақида: «У ҳам Байтнинг бир қисмими?» деб сўрадим. **«Ҳа»**, дедилар. «Нега уни Байтга киритишмаган?» дедим. **«Қавмингнинг маблағи етмай қолган»**, дедилар. «Нима учун эшиги баландда?» дедим. **«Буни қавминг хоҳлаган одамики киритиб, хоҳлаганини киритмаслик учун қилган. Қавминг жоҳилиятдан янги чиққани учун қалблари инкор қилишидан қўрқмаганимда, деворчани Байтга киритиб, эшигини ерга ёпиштириб қўйишни ўйлаб кўрардим»**, дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Деворча** — Ҳижр назарда тутилган.

МАККАГА ЭҲРОМСИЗ КИРИШ ЖОИЗЛИГИ ҲАҚИДА

166. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фатҳ йилида бошларида дубулға билан (Маккага) кирдилар. Уни ечиб турган пайтлари бир киши келиб, «Ибн Хатал каъбапўшга осилиб олибди», деди. Шунда у зот: **«Уни қатл қилинглари»**, дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

Изоҳ: Ибн Хатал аввал мусулмон бўлган. Бир куни Набий алайҳиссалом уни бир ансорий билан бирга закот тўплашга юборганлар. Бироқ Ибн Хатал йўлда ансорий шеригини ўлдириб, ўзи мушрик бўлиб кетган. Шунингдек, унинг Набий алайҳиссаломни ҳажв қилиб, қўшиқ айтувчи икки чўриси ҳам бўлган. Шунинг учун Набий алайҳиссалом Макка фатҳида уни қатл қилишни буюрган эдилар.

167. Жобир ибн Абдуллоҳ Ансорий розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага қора саллада, эҳромсиз кириб келдилар». (Ровий) Қутайбанинг ривоятида: «Макка фатҳи куни», дейилган. (Муслим ривояти)

МАККАНИНГ ЎЗИ ҲАМДА УНИНГ ОВИ, ЎТ-ЎЛАНИ, ДОВ-ДАРАХТЛАРИ ВА ОВОЗА ҚИЛУВЧИДАН БОШҚАЛАР УЧУН ТОПИЛМАСИ АБАДИЙ ҲАРАМ ҚИЛИНГАНИ ҲАҚИДА

168. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фатҳ — Макка фатҳи куни шундай дедилар: **«Аллоҳ бу шаҳарни осмонлару ерни яратган кунда ҳарам қилган. У Аллоҳ ҳарам қилгани сабабли Қиёмат кунигача ҳарамдир. Унинг ичида уруш қилиш мендан олдин ҳеч кимга ҳалол қилинмаган, менга ҳам бир кунда бир муддатгина ҳалол қилинди. Шунинг учун у Аллоҳ ҳарам қилгани сабабли Қиёмат кунигача ҳарамдир. Унинг тикани юлинмайди, ови ҳуркитилмайди, эълон қилувчидан бошқа одам (унда) топилмани олмайди, унинг ўт-ўлани ҳам юлинмайди»**. Аббос: «Эй Аллоҳнинг Расули, изхир* мустасно (денг), чунки у (ҳарамнинг) темирчилари ва уйлари учун керак», деди. Шунда у зот: **«Изхирдан ташқари»**, дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Изхир** – Ҳижозда ўсувчи хушбўй ўсимлик.

169. Саъид ибн Абу Саъиддан ривоят қилинади: «Абу Шурайх Адавий (Абдуллоҳ ибн Зубайрга қарши) Маккага аскар юбораётган Амр ибн Саъидга шундай деди: «Эй амир, менга изн берсанг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фатҳнинг эртасигаёқ айтган гапларни сенга айтиб берайин, уларни қулоқларим

эшитган, қалбим сингдириб олган, кўзларим кўрган: У зот Аллоҳга ҳамду сано айтдилар. Сўнг шундай дедилар: «**Маккани Аллоҳ ҳарам қилган, одамлар ҳарам қилган эмас. Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган кишига унда қон тўкиш ҳам, дарахт кесиш ҳам ҳалол эмас. Агар бирор киши Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам унда жанг қилганларини ҳужжат қилиб, рухсатга эришмоқчи бўлса, унга: «Аллоҳ Ўз Расулига изн берган, сизларга изн берган эмас», денглар. Менга ҳам У Зот фақат бир кунда бир муддатгина изн берди, холос. Сўнг бугун унинг ҳарамлиги худди кечагидек ҳарамлигига қайтди. Бу ерда ҳозир бўлганлар ҳозир бўлмаганларга етказсин»...**» (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

170. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: «Аллоҳ азза ва жалла Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга Маккани фатҳ қилиб бергач, у зот одамлар орасида туриб, Аллоҳга ҳамду сано айтдилар, сўнг шундай дедилар: «**Аллоҳ Маккани филдан ҳимоя қилиб, унга Ўз Расулини ва мўминларни ҳукмрон қилди. У мендан олдин ҳеч кимга ҳалол бўлмаган, мен учун эса кундузи бир муддат ҳалол қилинди, мендан кейин ҳам ҳеч кимга асло ҳалол бўлмайди. Унинг ови ҳуркитилмайди, тиканлари юлинмайди, тушиб қолган нарсаси овоза қилувчидан бошқа ҳеч кимга ҳалол бўлмайди. Кимнинг бирор кишиси ўлдирилса, унда икки нарсадан бирини танлаш ихтиёри бор: ё (унга) фидя берилади, ё (қотил) қатл қилинади**». Шунда Аббос: «Изхир мустасно (денг), эй Аллоҳнинг Расули, биз уни қабрларимизга, уйларимизга қўямиз», деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Изхир мустасно**», дедилар». Абу Шоҳ — Яман аҳлидан бир киши — туриб, «Менга (шуни) ёзиб беринглар, эй Аллоҳнинг Расули», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Абу Шоҳга ёзиб беринглар**», дедилар». (Ровий) Валид айтади: «Авзоъийга: «Менга ёзиб беринглар, эй Аллоҳнинг Расули», деб нимани айтган?» деган эдим, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган ўша хутбани-да», деди». (*Бухорий ва Муслим ривояти*)

МАККАДА ЗАРУРАТСИЗ ҚУРОЛ КЎТАРИБ ЮРИШДАН ҚАЙТАРИЛГАНИ ҲАҚИДА

171. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Бирортангизга Маккада қурол кўтариб юриш ҳалол эмас»**, деганларини эшитдим». (Муслим ривояти)

МАДИНА ҲАРАМ ЭТИЛГАНИНГ БАЁНИ

172. Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Иброҳим Маккани ҳарам қилган* ва унинг аҳли ҳаққига дуо қилган. Иброҳим Маккани ҳарам қилганидек, мен ҳам Мадинани ҳарам қилдим ва унинг соъи ва муддининг* ҳаққига Иброҳим Макка аҳлининг ҳаққига қилган дуонинг икки баробарича дуо қилдим»**. (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Мудд ва соъ** — оғирлик ўлчови. Бу ердаги дуонинг маъноси «Мадина аҳлининг тош-тарозисига баракот бергин» деганидир. Бир соъ ҳажмда 3,330 литр, оғирликда 3,250 килограммга, бир мудд эса ҳажмда 0,84 литр, оғирликда 0,8125 килограммга тўғри келади.

Изоҳ: «Ҳарам қилиш» деганда махсус ҳудуд ёки нарсани муқаддас деб эълон қилиб, уни улуғлаш, эъзозлаш учун, унинг шарафига унга боғлиқ ўринларда одатда жоиз бўлган маълум ишларни қилишни тақиқлаш, ҳаром қилиш тушунилади. «Иброҳим Маккани ҳарам қилди» дегани «Иброҳим алайҳиссалом унинг ҳарам қилинганини эълон қилдилар», деганидир. Бунга юзаки қараб, «шахсан ўзича ҳарам қилган» деб тушунмаслик керак. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юқорида ўтган бир ҳадисда: «Маккани Аллоҳ ҳарам қилган, одамлар ҳарам қилган эмас!» деганлар. Муҳаммад алайҳиссаломнинг Мадинани ҳарам қилишлари ҳам худди шу маънодадир. Зеро, пайғамбарлар фақатгина ваҳийни етказадилар.

173. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «**Мадина фалон жойдан фалон жойга-ча ҳарамдир. Унинг дов-дарахти кесилмайди, унда бидъат* пайдо қилинмайди...**» дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

Изоҳ: Ҳадисда келган «аҳдаса» сўзи «янгилик пайдо қилди» деган маънони англатиб, Ислом таълимотига, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларига зид бўлган янгилик, яъни бидъатни англатади.

174. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам «**Унинг икки тошлоғи* ўртаси ҳарамдир**», дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

* **Тошлоқ** — деб таржима қилинган сўз ҳарра деб аталадиган, қотиб қолган лавадан ҳосил бўлган, Мадинани шарқий ва ғарбий томондан ўраб турган қора тошлоқни англатади.

175. Саҳл ибн Ҳунайф розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қўллариини Мадина томонга узатиб, «**У — эмин ҳарамдир**», дедилар». (Муслим ривояти)

176. Омир ибн Саъддан ривоят қилинади: «Саъд (ибн Абу Ваққос) Ақиқдаги қасрига улов миниб кетаётган эди. Бир қулнинг дарахт кесаётганини (ёки қўпораётганини) кўриб қолди ва унинг салабини* олиб қўйди. Саъд қайтгач, олдига қулнинг эгалари келиб, қулларидан олинган нарсаларни унга (ёки ўзларига) қайтариб бериш ҳақида унга гапиришди. У: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам менга қўшимча ўлжа қилиб* берган нарсани қайтаришимдан Аллоҳ сақласин!» деди ва уларни қайтаришга кўнмади». (Муслим ривояти)

* **Салаб** — луғатда «тортиб олинган нарса» деган маънони англатади. Истилоҳда эса салаб деб жангчи ўзи ўлдирган жангчидан оладиган кийим кечак, қурол аслаҳа, улов ва бошқа нарсаларга айтилади. Бу ерда Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху Мадинаи Мунавварада, яъни Ҳарам ҳудудида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам тақиқлаган ишни қилгани учун қулнинг кийим кечак ва анжомларини тортиб олгани назарда тутилган.

* Қўшимча ўлжа қилиб — яъни ўлжадан ташқари нофила ҳадя қилиб.

МАДИНАНИНГ ҚҶРИҚХОНАСИ ҲАҚИДА

177. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинанинг атрофидаги ўн икки милни қўриқхона қилганлар». (Муслим ривояти)

* Ўн икки мил — 33,180 км. га тенг.

МАДИНАДА БИДЪАТЧИГА ЁКИ УНГА БОШПАНА БЕРГАН КИШИГА ҚИЛИНГАН ТАҲДИДЛАР ҲАҚИДА

178. Иброҳим Таймий отасидан ривоят қилади: «Алий розияллоҳу анҳу: «Бизда Аллоҳнинг Китобидан бошқа ўқийдиган бирор битик йўқ. Мана бу саҳифадан ташқари», деди ва уни чиқарди. Унда (дия сифатида бериладиган) туяларнинг ёши ва жароҳатлар (борасидаги ҳукмлар) ҳақида баъзи нарсалар бор экан. Шунингдек, унда қуйидагилар ҳам бор экан: «Мадинанинг ҳарами Айр билан Савр орасидир. Ким унда бир бидъат пайдо қилса ёки бидъатчини ҳимоясига олса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг, одамларнинг — барча-барчаларининг лаънати бўлсин! Қиёмат куни ундан нафл ҳам, фарз ҳам қабул қилинмайди. Ким мавлоларининг изнисиз бир қавмни валий қилиб олса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг, одамларнинг — барча-барчаларининг лаънати бўлсин! Қиёмат куни ундан нафл ҳам, фарз ҳам қабул қилинмайди...». (Бухорий ва Муслим ривояти)

Изоҳ: Ушбу бобдаги «кафиллик» деб таржима қилинган сўз асл матнда «зимма» деб келган бўлиб, бу бирор кишини, масалан, ғайридинни ўз ҳимоясига олишни англатади. «Ундан фарз ҳам, нафл ҳам қабул қилинмайди» жумласидаги «фарз» ва «нафл» деб ўтирилган «сорфун» ва «ъадлун» сўзларининг маъноси ҳақида турли фикрлар айтилган. Шориҳларнинг таъкидлашича, жумҳур уламо уларни биз танлаган маънода, яъни «сорфун»ни фарз, «ъадлун»ни нафл, деб изоҳлаган. Иккинчи бир фикрга кўра, «сорф» — тавба ёки шафоат, «ъадл» — фидядир. Жумладан, «Саҳиҳи Бухорий»нинг айрим нусхаларида муаллиф-

нинг «Ъадлун — фидядир» деган изоҳи ҳам нақл қилинган.

МАДИНА АҲЛИГА ЁМОНЛИК ИСТАГАН КИШИНING ГУНОҲИ ҲАҚИДА

179. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким Мадина аҳлига ёмонлик истаса, — Бухорийнинг ривоятида** «Бирор киши Мадина аҳлига макр қилгудек бўлса...» дейилган — Аллоҳ уни худди туз сувда эриганидек эритиб юборади», дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

(РАВЗАДАГИ) ҚАБР БИЛАН МИНБАР ОРАСИНING ФАЗЛИ ҲАҚИДА

180. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Уйим билан минбаримнинг орасида жаннат боғларидан бири бор. Минбарим эса ҳовузимнинг устидадир**», дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

МАККА ВА МАДИНА МАСЖИДИДАГИ НАМОЗNING ФАЗЛИ ҲАҚИДА

181. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ушбу масжидимдаги намоз ундан бошқалардаги мингта намоздан афзалдир. Масжидул Ҳаром бундан мустасно**», дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

182. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Учта масжиддан бошқасига кўч боғлаб борилмайди: Масжидул Ҳаромга, менинг масжидимга ва Масжидул Ақсога**», дедилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

ҚУБО МАСЖИДИ ҲАҚИДА

183. Абдуллоҳ ибн Динордан ривоят қилинади: «Ибн Умар розияллоҳу анҳумо: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Қубо масжидига пиёда бўлсин, уловда бўлсин, ҳар шанба борар эдилар — **Имом Муслимнинг ривоятида Ибн Умар:** «у ерда икки ракат намоз ўқир эдилар» **дегани келтирилган** —», деб айтди». (Бухорий ва Муслим ривояти)

Алҳамдулиллаҳ ўз ниҳоясига етди

МУНДАРИЖА

ҲАЖНИНГ ФАРЗЛИГИ ВА УНИНГ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА.....	5
АЁЛЛАРНИНГ ҲАЖИ ҲАҚИДА.....	6
ГЎДАКНИНГ ҲАЖИ ДУРУСТ ЭКАНИ ҲАҚИДА.....	6
АЁЛ КИШИ ЭРКАК НОМИДАН ҚИЛГАН ҲАЖИ ҲАҚИДА.....	7
МАЙЙИТ НОМИДАН ҚИЛИНГАН ҲАЖ ВА НАЗР	7
ҲАЖ ВА УМРАНИНГ ФАЗЛИ	7
ҲАЖГА ОЗУҚА ҒАМЛАБ ОЛИШ ҲАҚИДА.....	8
ҲАЖ ОЙИДА УМРА ҚИЛИШ ЖОИЗЛИГИ	8
НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ НЕЧА МАРТА ҲАЖ ВА УМРА ҚИЛГАНЛАР?	9
ЗУЛҲИЖЖАНИНГ ЎН КУНИДА ҚИЛИНГАН АМАЛНИНГ ФАЗЛИ.....	9
АЁЛ КИШИ МАҲРАМИ БИЛАН БИРГА ҲАЖГА ВА БОШҚА ЕРГА САФАР ҚИЛИШИ ҲАҚИДА	10
ҲАЖ ВА УНДАН БОШҚА ЕРЛАРГА САФАР ҚИЛИШ УЧУН УЛОВ МИНГАНДА НИМА ДЕЙИЛАДИ?	10
ҲАЖ ВА УМРА МИЙҚОТЛАРИ	11
НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ НАМОЗ ЎҚИГАН ЖОЙЛАР.....	12
ЗУЛҲУЛАЙФАДАГИ ТЎХТАШ ЖОЙИ	14
ЭҲРОМДАГИ ИНСОНГА КИЙИШ ТАҚИҚЛАНГАН КИЙИМЛАР.....	14
ЭҲРОМДАГИ ИНСОН ХУШБЎЙЛАНИШИ ҲАҚИДА.....	16
БАДАНАГА БЕЛГИ ҚЎЙИШ ВА ИЛГАК ОСИШ	17
БАДАНАНИ МИНИШ	17

ҲАДИЙ ЙЎЛДА ЧЎЛОҚЛАНИБ ЮРСА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК	18
МУШРИКЛАР АЙТАДИГАН ТАЛБИЯ.....	18
НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ АЙТГАН ТАЛБИЯ.....	19
ТАЛБИЯНИ БАЛАНД ОВОЗДА АЙТИШ.....	19
НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ЭҲРОМГА КИРИШЛАРИ	20
ТАЛБИЯ АЙТИШДАН ОЛДИН ҲАМД, ТАСБЕҲ ВА ТАКБИР АЙТИШ.....	20
УЛОВ КЎТАРИЛГАНДА ТАЛБИЯ АЙТИБ ЭҲРОМГА КИРИШ...20	
НАБИЙ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ЗАМОНЛАРИДА НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ НИМА ДЕБ ЭҲРОМ БОҒЛАГАН БЎЛСАЛАР, ЎШАНГА ЭҲРОМ БОҒЛАГАН КИШИ ҲАҚИДА.....	21
БАЛАНД ОВОЗДА ТАЛБИЯ АЙТИШ ҲАҚИДА.....	22
ҲАЙЗЛИ ВА НИФОСЛИ АЁЛЛАР ҚАНДАЙ ТАЛБИЯ АЙТАДИ?	22
ҲАЖДА ШАРТ ҚЎЙИШ	23
ИФРОД, ТАМАТТУЪ ВА ҚИРОН ҲАЖИ ҲАҚИДА.....	23
ТАМАТТУЪНИНГ ЖОИЗЛИГИ ҲАҚИДА	24
ТАМАТТУЪ ҚИЛУВЧИ ҚАЧОН ЭҲРОМГА КИРАДИ?	25
ТАМАТТУЪ ҚИЛУВЧИГА ВОЖИБ БЎЛАДИГАН АМАЛЛАР	25
ҚИРОН ҚИЛУВЧИ ҚАЧОН ЭҲРОМДАН ЧИҚАДИ?	26
ИФРОД ВА ҚИРОН ҲАЖЛАРИНИ НИЯТ ҚИЛУВЧИ ТАВОФ ВА САЎЙНИ БИР МАРТАДАН ҚИЛИШИ КИФОЯ.....	26
ҲАДИЙ ЕТАКЛАМАГАН ИНСОН ҲАЖНИ УМРАГА АЙЛАНТИРИШИ	27
ИФРОДНИ НИЯТ ҚИЛУВЧИ ҲАЖДАН КЕЙИН УМРА ҚИЛИШИ ҲАҚИДА	28
ЭҲРОМДАГИ КИШИ БИЛМАСДАН КИЙИМ КИЙИШИ ЁКИ ХУШБЎЙЛАНИШИ	29

ЭҲРОМДАГИ КИШИНИНГ НИКОҲИ.....	30
ЭҲРОМДАГИ ИНСОНГА ОВ ОВЛАШ ҲАРОМЛИГИ.....	30
ЭҲРОМДАГИ ИНСОН ОВЛАНГАН ОВДАН ЕЙИШИ ЖОИЗЛИГИ	32
ЭҲРОМДАГИ ИНСОН ЎЛДИРИШИ ЖОИЗ САНАЛГАН ҲАЙВОНЛАР	32
БИРОР ОЗОР САБАБ ВОЖИБ БЎЛГАН ФИДЯДАГИ ИХТИЁР	33
ЭҲРОМДАГИ ИНСОН ҲИЖОМА ҚИЛДИРИШИ.....	33
ЭҲРОМДАГИ ИНСОННИНГ КЎЗИ КАСАЛЛАНСА ДАВОЛАНИШ ЖОИЗЛИГИ	34
ЭҲРОМДАГИ ИНСОН ЮВИНИШИ.....	34
ЭҲРОМ ҲОЛАТИДА ВАФОТ ЭТГАН ИНСОН ҚАНДАЙ КАФАНЛАНАДИ?.....	34
МАККАГА ҚАЕРДАН КИРИЛАДИ?	35
МАККАГА КИРИШДАН АВВАЛ ҒУСЛ ҚИЛИБ ОЛИНИШИ	36
НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИЛГАН ҲАЖЛАРИ	36
ТАҲОРАТЛИ ҲОЛДА ТАВОҒ ҚИЛИШ	43
БАЙТНИ ЯЛАНҒОЧ КИШИ ТАВОҒ ҚИЛМАСЛИГИ ВА МУШРИК ҲАЖ ҚИЛМАСЛИГИ ҲАҚИДА	43
ҲАЖАРУЛ АСВАДНИ ЎПИШ ҲАҚИДА	43
РУКННИ ҲАССА БИЛАН ИСТИЛОМ ҚИЛИШ ЖОИЗЛИГИ ҲАҚИДА.....	44
ҲАЖ ВА УМРАДА РАМЛ ҚИЛИШ ҲАҚИДА.....	44
РАМЛНИНГ БОШЛАНИШИ ҚАНДАЙ БЎЛГАН?	45
УЛОВГА МИНГАН ҲОЛДА ТАВОҒ ВА САЪЙ ҚИЛИШ ЖОИЗЛИГИ ҲАҚИДА.....	45
САҒО ВА МАРВА ОРАСИДА САЪЙ ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ ҲАДИСЛАР	46

ЭҲРОМДАН ЧИҚИШ УЧУН СОЧНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА ҚИРИШ.....	47
(ҲОЖИ) ТАРВИЯ КУНИ ПЕШИН НАМОЗИНИ ҚАЕРДА ЎҚИЙДИ?	48
АРАФА КУНИ МИНОДАН АРАФОТГА КЕТАЁТГАН ПАЙТДА ТАЛБИЯ ВА ТАКБИР АЙТИШ ҲАҚИДА	48
АРАФА КУНИНИНГ ФАЗЛИ ХУСУСИДА	48
АРАФА КУНИ КУН ҚИЗИГАНДА ЮРИШ ҲАҚИДА	49
АРАФОТДА ВУҚУФ ҚИЛИШ ҲАҚИДА.....	49
НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ АРАФОТДАН МУЗДАЛИФАГА ҲОТИРЖАМЛИК ИЛА ҚАЙТИБ ТУШИШГА БУЮРГАНЛАРИ ҲАҚИДА.....	50
МУЗДАЛИФА КЕЧАСИДА ТАЛБИЯ АЙТИШ МУСТАҲАБЛИГИ ҲАҚИДА.....	51
МУЗДАЛИФАДА ИККИ НАМОЗНИ ЖАМЛАШ ҲАҚИДА.....	51
БОМДОДНИ ЖАМЪДА ЎҚИШ ҲАҚИДА	52
АЁЛЛАР ВА УЛАРДАН БОШҚА ЗАЙФЛАРНИ МУЗДАЛИФАДАН МИНОГА КЕЧАНИНГ ОХИРИДА, ОДАМЛАР ТИРБАНД БЎЛИШИДАН ОЛДИНРОҚ ҚАЙТАРИБ ЮБОРИШ МУСТАҲАБЛИГИ, УЛАРДАН БОШҚАЛАРГА ЭСА МУЗДАЛИФАДА БОМДОД НАМОЗИНИ ЎҚИГУНЧА ҚОЛИШ МУСТАҲАБЛИГИ ҲАҚИДА.....	52
МУЗДАЛИФАДАН ҚАЧОН ҚАЙТИЛАДИ?	53
ТАЛБИЯ ҚАЧОНГАЧА АЙТИЛАДИ?	53
ТОШ ОТИШ	54
ТОШ ОТИЛАДИГАН МУСТАҲАБ ВАҚТНИНГ БАЁНИ.....	54
ТОШ ОТИШ УЧУН ТУРИШ КАЙФИЯТИ ҲАҚИДА.....	54
УЛОВДА ТУРИБ ТОШ ОТИШ ҲАҚИДА.....	55
ЖАМАРОТГА ОТИЛАДИГАН ТОШЛАР ЕТТИТА БЎЛИШИНИНГ БАЁНИ	55

БИЛМАСДАН ЁКИ УНУТИБ КЕЧ КИРГАНДАН КЕЙИН ТОШ ОТСА.....	56
ҲОЖИЛАРГА СУВ УЛАШИШ ҲАҚИДА	56
ТАВОФИ ИФОЗАНИ НАҲР КУНИ ҚИЛИШ МУСТАҲАБЛИГИ ҲАҚИДА.....	57
МИНОНИНГ ҲАММА ЖОЙИ СЎЙИШ ЖОЙИ ЭКАНИ ҲАҚИДА	57
БАДАННИ ТУШОВЛАНГАН ҲОЛИДА БЎҒИЗЛАШ ҲАҚИДА.	58
БАДАННИ ТИК ТУРГАН ҲОЛИДА БЎҒИЗЛАШ ҲАҚИДА.....	58
ҲАДИЙНИНГ ГЎШТЛАРИ, ТЕРИЛАРИ ВА ТЎҚИМЛАРИНИ САДАҚА ҚИЛИШ ҲАҚИДА	58
МОЛ СЎЙИШ ЖОИЗЛИГИ ҲАҚИДА	58
ҲАДИЙДА ШЕРИК БЎЛИШ ЖОИЗЛИГИ ҲАҚИДА	59
СОЧИНИ ЖОНЛИҚ БЎҒИЗЛАШДАН ОЛДИН ҚИРДИРИБ ҚЎЙГАН ЁКИ ТОШ ОТИШДАН ОЛДИН ЖОНЛИҚ БЎҒИЗЛАБ ҚЎЙГАН КИШИ ҲАҚИДА.....	59
ТАШРИҚ КУНЛАРИДА КЕЧАСИ МИНОДА ТУНАШ ВОЖИБЛИГИ ВА АҲЛИ СИҚОЯГА УНИ ТАРК ЭТИШГА РУХСАТ БЕРИЛГАНИ ҲАҚИДА.....	59
ВИДОЛАШУВ ТАВОФИНИНГ ВОЖИБЛИГИ ҲАҚИДА	60
ВИДОЛАШУВ ТАВОФИ ҲАЙЗЛИ АЁЛДАН СОҚИТ БЎЛИШИ ҲАҚИДА.....	60
ҲАЖ ЁКИ УМРА ҚИЛУВЧИ УШЛАНИБ ҚОЛСА.....	61
ҲАЖ МАВСУМЛАРИДА ТИЖОРАТ ҚИЛИШ ҲАҚИДА	61
НАФР КУНИ МУҲАССАБГА ТУШИБ, У ЕРДА НАМОЗ ЎҚИШНИНГ МУСТАҲАБЛИГИ ҲАҚИДА.....	62
ҲАЖ ЁКИ УМРА ЁҲУД ҒАЗОТДАН ҚАЙТГАНДА НИМА ДЕЙИЛИШИ ҲАҚИДА	63
КАЎБАНИНГ ИЧИДА НАМОЗ ЎҚИШ МУСТАҲАБЛИГИ ҲАҚИДА.....	63

КАЪБАДАГИ НАМОЗГОҲ ҲАҚИДА.....	64
ҲИЖР ИСМОИЛДА НАМОЗ ЎҚИШ ҲАҚИДА.....	64
МАККАГА ЭҲРОМСИЗ КИРИШ ЖОИЗЛИГИ ҲАҚИДА.....	65
МАККАНИНГ ЎЗИ ҲАМДА УНИНГ ОВИ, ЎТ-ЎЛАНИ, ДОВ- ДАРАХТЛАРИ ВА ОВОЗА ҚИЛУВЧИДАН БОШҚАЛАР УЧУН ТОПИЛМАСИ АБАДИЙ ҲАРАМ ҚИЛИНГАНИ ҲАҚИДА	65
МАККАДА ЗАРУРАТСИЗ ҚУРОЛ КЎТАРИБ ЮРИШДАН ҚАЙТАРИЛГАНИ ҲАҚИДА	67
МАДИНА ҲАРАМ ЭТИЛГАНИНГ БАЁНИ.....	67
МАДИНАНИНГ ҚЎРИҚХОНАСИ ҲАҚИДА.....	69
МАДИНАДА БИДЪАТЧИГА ЁКИ УНГА БОШПАНА БЕРГАН КИШИГА ҚИЛИНГАН ТАҲДИДЛАР ҲАҚИДА	69
МАДИНА АҲЛИГА ЁМОНЛИК ИСТАГАН КИШИНИНГ ГУНОҲИ ҲАҚИДА	70
(РАВЗАДАГИ) ҚАБР БИЛАН МИНБАР ОРАСИНИНГ ФАЗЛИ ҲАҚИДА	70
МАККА ВА МАДИНА МАСЖИДИДАГИ НАМОЗНИНГ ФАЗЛИ ҲАҚИДА	70
ҚУБО МАСЖИДИ ҲАҚИДА	71



لَحَاقُ شَيْءٍ إِلَى الْحَجِّ

مِنَ الصَّحَابِ الْمَجِيدِينَ



جَمَعَ وَرَتَّبَ

د. عَبْدُ الْحَكِيمِ بْنِ مُحَمَّدٍ الْفَيْصَلِيُّ

إِمْلَامُ وَخَطِيبِ الْمَسْجِدِ النَّبَوِيِّ الشَّرِيفِ